

Санъатуллоҳ Бекпўлат

# مبدأ النحو

## Мабдаун наҳв

(Наҳв асослари)

*(Араб тили наҳв фанидан дарслик)*

**(Тўғриланган ва тўлдирилган нашри)**

Нашрга:  
**Анвар Аҳмад**  
тайёрлаган

**Тошкент**  
**2014-йил**

## Муқаддима

Охирги дин Ислом учун араб тилини танлаган Ҳакийму Қодир Зот Аллоҳга битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин!

Ўз умматларига Роббиси амри ила шариатни араб тилида ўргатган Пайғамбаримиз алайҳиссаломга мукаммал ва батамом салавоту саломлар бўлсин!

Аллоҳнинг каломи ва пайғамбарини ҳадисларини Ислом умматига араб тилида етказган оли байтлари ва саҳобаларига Аллоҳнинг розилиги бўлсин!

Аллоҳнинг каломи ҳамда Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларини бизларга етказиш ва англантишда беқиёс хизматлар қилган уламоларимизга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!

Азиз ва муҳтарам ўқувчилар! Аллоҳ таолонинг инояти ила сиз азизларга “Мабдаун наҳв” (араб тили наҳв фанидан дарслик) китобини тақдим қилмоқдамиз. Ушбу китоб асрлар оша мадрасаларда дарслик қилиб ўқитиб келинган. Ўшанда бу китоб татар тили ва араб ёзувида бўлган. Бу нарса ҳозирги китобхонга бироз қийинчилик туғдириши табиий. Ана шу қийинчиликни бартараф қилиш мақсадида, китобни ўзбек тили ва кирилл ёзувида қайтадан тайёрлашга жазм қилдик. Албатта китобни тайёрлаш жараёнида баъзи жойларини тўлдириш ёки изох бериш лозим бўлса амалга оширдик. Ҳар-бир дарс сўнгидан эса луғатни келтирдик. Айниқса жадвалларга аҳамият қаратдик. Чунки ҳозирги давр талаби шуни талаб қилади. Китобнинг охирига “сон ва саналмиш” бўлимини қўшдик. Араб тилида мутахассис бўлган бир танишим ушбу китобга таъриф бериб: “Мен наҳв китобидан фақат шу “Мабдаун наҳв” китобини ўқидим ва наҳв фанини тўла тушундим, бундан бошқа китоб ўқишга эҳтиёж бўлмади”, деган эди. Иншааллоҳ шундай бўлиб қолажак.

Қадрли ўқувчилар! Ушбу китобни ўқиш жараёнида ўзингиз учун бирор фойдали нарса топсангиз Аллоҳ таолодан деб, нуқсон ва камчиликлар учратсангиз камина ходимингиздан деб билгайсиз.

## САНЪАТУЛЛОҲ НЕЪМАТУЛЛОҲ ЎҒЛИ БЕКПҮЛАТ

Атоқли татар–турк олими, кўплаб асарлар муаллифи Санъатуллоҳ Неъматуллоҳ ўғли Бекпўлат 1885 йили таваллуд топган. 1894–1905-йилларда Уфадаги «Хусайния» мадрасасида, кейинчалик эса Қоҳирадаги машҳур «Ал–Азҳар» дорилфунунида таҳсил олган. Ўн тўққизинчи асрнинг улуғ маърифатпарварлари ва диний арбобларидан бўлган Санъатуллоҳ Бекпўлат «Хусайния» мадрасаси ва бошқа билим даргоҳларида араб тили ҳамда Ислом ва тарихидан кўп йиллар сабоқ берди. Кейинчалик ҳукмдорлар таъқибига учраб, ўрта Осиёга кетишга мажбур бўлади. Муҳожирликда ўзбек, қирғиз, қозок, уйғур, тожик тилларини мукаммал эгаллайди. 1928 йилдан Қозонда яшаб, фаолият олиб боради.

Санъатуллоҳ Бекпўлат дарс бериш билан бирга илмий-ижодий фаолиятини ҳам тўхтатмади. Унинг «Шарқ тарихи» «Тўрт халифа», «Ҳазрати Муҳаммад», «Мабда ус-сарф», «Мабдаун наҳв» каби дарсликлари узоқ йиллар илм-маърифатга хизмат қилди ва ҳозирда ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Машҳур аллома, моҳир педагог С. Бекпўлат 1954 йили Татаристоннинг Қозон шаҳрида вафот этди. (Аллоҳ бу зотни ўз раҳматига олсин)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## 1-§

كلام

### Калом

فَرَأَى، مُحْتَمِدًا، دَرَسَ – шу каби ўзидан бирор маъно англатган сўзга араб тилида калима дейилади. Биз буни сарф фанида билиб ўтган эдик. Энди бу калималарни бирини иккинчисига қўшиб *فَرَأَى مُحْتَمِدًا الدَّرْسَ* десак «Муҳаммад дарсни ўқиди», деган бир маъно ва фикр ҳосил бўлади.

1. Мана шундай бирор фикр ва мақсад англатиш учун бир неча калимадан қўшилиб ясалган сўзга араб тилида «калом» ёки «жумла», дейилади.

2. Бир жумлада энг озида икки калима бўлади.

Бу икки калима иккиси ҳам исм бўлиши мумкин *كَلِمَاتٌ مُحْتَمِدَةٌ* каби.

Бири феъл иккинчиси исм бўлиши ҳам мумкин: *نَامَ الْوَلَدُ* каби.

Аммо феълларни ўзидан ёки ҳарфларнинг ўзидан жумла ясаб бўлмайди.

**Танбех:** Калом ва жумла бўлиши учун икки ёки иккидан ортиқ калимадан ясаиб, ўзидан бир фикр англатсин, деган эдик.

Шунга кўра *تَلَمِيذٌ مُحْتَمِدٌ فِي الْبَيْتِ، فَلَمَّ التَّلْمِيذِ،* каби сўзлар икки накра (ноаниқ) калимадан ясалган бўлса-да жумла «калом», деб айтилмайди.

### **1-машқ. Қуйидаги жумлаларни исм, феъл ва ҳарфларга ажратинг:**

التَّفَاحُ لَدَيْدٌ جَدًّا. الْمُعَلِّمُ يُحِبُّ التَّلْمِيذَ الْمُحْتَمِدَ. هَذِهِ الْمِسْطَرَّةُ جَمِيلَةٌ. هَؤُلَاءِ الْمُعَلِّمُونَ مُحْتَرَمُونَ. التَّلْمِيذَاتُ الْمُحْتَمِدَاتُ لَا يَضْحَكْنَ أَثْنَاءَ الدَّرْسِ. حَرَجْتُ إِلَى السُّوقِ فَاشْتَرَيْتُ أَقْلَامًا وَمَسَاطِرَ وَكُرَارِيْسَ. قَامَ التَّلْمِيذُ فَقَرَأَ كِتَابَهُ. دُوْدَةُ الْقَدِّ تَتَعَدَّى مِنْ أَوْرَاقِ شَجَرِ الثُّوتِ. الْحُسُودُ لَا يَسْتَوُدُّ.

### **2-машқ. Қуйидаги сўزلардан жумла бўлганларнинг остига бир чизиқ, жумла бўлмаганларнинг остига икки чизиқ чизинг:**

لِسَانُ السَّاعَةِ. هَذَا التَّلْمِيذُ مُحْتَمِدٌ. تَلَمِيذٌ كَسَلَانٌ. فَلَمَّ الْمُعَلِّمُ. مِسْطَرَّةٌ مُحْتَمِدَةٌ. مِنَ الْمَدْرَسَةِ. دَجَاجَةٌ. تَفَاحَةٌ لَدَيْدَةٌ. قَرَأْتُ دَرْسِي. دِمَشْقُ مَدِينَةٌ كَبِيرَةٌ. عِلْمُ الصَّرْفِ. الْقَاهِرَةُ عَاصِمَةُ مِصْرَ. فِي الدَّارِ. ذَهَبْنَا إِلَى الْعَابَةِ. جَمَالُ الْفَتَى بِالْعِلْمِ لَا بِالْمَالِيسِ. هَارُونَ الرَّشِيدُ. بَطْرُسُ الْأَكْبَرُ. لَيْسَ الْفَتَى مَنْ يَقُولُ كَانَ أَبِي كَذَا وَكَذَا.

### **معاني الكلمات: Сўзларнинг маънолари**

жуда	جدًّا	олма	التَّفَاحُ
------	-------	------	------------

асносида, орасида	أَنْشَاءً	Кулмайдилар (а)	لَا يَضْحَكُنَّ
ипак қурти	دُودَةٌ الْقَرَّ	қурт	دُودَةٌ
бошлиқлик	سَيَادَةٌ	тут дарахти	شَجَرَةُ التُّوتِ
буюк пётр	بَطْرُسُ الْأَكْبَرِ	соатнинг тили	لِسَانُ السَّاعَةِ
йигит	الْفَتَى	ўрмон	الْعَابَةِ
ундай ва бундай	كَذَا وَكَذَا	шундай	كَذَا

## 2-§

## الْمُعْرَبُ وَالْمَبْنِيُّ

## МЎРАБ ВА МАБНИЙ

3. Жумла калималардан қўшилиб ясалади, деган эдик. Жумладаги калималарнинг охирлари турлича бўлади. Бир турли калималар борки, жумладаги тартибнинг ўзгаришига қараб охири ўзгаради. Бошқа бир калималар борки, уларнинг охирлари асло ўзгармайди. Жумла тартиби бир неча турга айлантирилса ҳам у ўз ҳолича қолаверади.

Масалан: الْمُعَلِّمُ калимасини олайлик. Бу сўз бир исмдир. Энди буни жумлага киритиб қарайлик. قَامَ الْمُعَلِّمُ. رَأَيْتُ الْمُعَلِّمَ. دَهَبْتُ إِلَى الْمُعَلِّمِ.

**Маъноси:** *Ўқитувчи турди, ўқитувчини кўрдим, ўқитувчининг (ҳузурига) бордим.*

Мана бу жумлалардаги الْمُعَلِّمُ калимасининг охири уч турли келган. Аввалгисида даммали, иккинчисида фатҳали, учинчисида касрали.

Энди هَذَا калимасини олайлик. Бу ҳам бир исм. Буни жумлаларга киритиб қарайлик.

هَذَا قَلَمٌ. كَسَرْتُ هَذَا الْقَلَمَ. كَتَبْتُ بِهَذَا الْقَلَمِ.

**Маъноси:** *Бу қалам, бу қаламни синдирдим, бу қалам воситасида ёздим.*

Мана бу жумлалардаги هَذَا калимаси уч жумланинг учтасида ҳам бир турли бўлди. Жумлаларнинг турлануви сабабли охири ҳеч бир ўзгармаган.

Масалан: يُعَلِّمُ калимасини олайлик. Бу энди музореъ бир феъл. Буни жумлаларга киритиб қарайлик:

يُعَلِّمُ التِّلْمِيذَ. التِّلْمِيذُ لَمْ يُعَلِّمْ. لَنْ يُعَلِّمَ التِّلْمِيذَ.

**Маъноси:** *Ўқувчи ўтиради, ўқувчи ўтирмайди, ўқувчи ҳаргиз ўтирмайди.*

Мана бундаги уч жумлада يُعَلِّمُ калимаси уч турли келган. Аввалги жумлада охири даммали, иккинчисида сукунли, учинчисида эса фатҳали.

Энди **قَامَ** калимасини олайлик. Бу ҳам бир феъл. Энди буни турли жумлаларга киритиб қарайлик:

قَامَ التَّلْمِيذُ. مَا قَامَ التَّلْمِيذُ. هَلْ قَامَ التَّلْمِيذُ.

Маъноси: Ўқувчи турди, ўқувчи турмади, ўқувчи турдими.

Мана бунда **قَامَ** калимаси уч жумланинг уччаласида ҳам охири ҳеч бир ўзгармасдан бир хил келган.

4. Жумлаларда тартиб ўзгариши сабабли охири ўзгарган калима «мўъраб», деб аталади. Юқоридаги мисоллардаги يَقْعُدُ الْمُعَلِّمُ, калималари мўъраб калималардир.

Жумла тартибининг ўзгаришга қараб, охири ўзгармайдиган калимага «мабний», деб аталади. Юқоридаги قَامَ هَذَا, калималарига ўхшаш.

**Танбех:** Ҳарф ҳеч бир вақт мўъраб бўлмай балки доимо мабний бўлади.

**3-машқ.** *Қуйидаги жумлалардаги исмни бир устунга, феълни иккинчи устунга, ҳарфни учинчи устунга ёзиб, ажратиб чиқинг:*

هَذَا تَلْمِيذٌ. جَاءَ التَّلْمِيذُ. رَأَيْتُ الْمُعَلِّمَ. مَا هَذَا. لَعِينًا فِي الْحَدِيقَةِ. كَتَبَ التَّلْمِيذُ الْمَكْتُوبَ. جَاءَ مُحَمَّدٌ إِلَى الْمَدْرَسَةِ. أَيْنَ الْمُعَلِّمُ. ذَهَبَ صَاحِبِي كَرِيمٌ إِلَى الْمَدْرَسَةِ. صَاحَ الدَّيْكَ. أَلْجِمَ الْفَرَسُ. أَيْنَ تَذَهَبُ. فُرِيَ الدَّرْسُ. سُرِقَتِ السَّاعَةُ. أُرِيدُ أَنْ أَزُورَكَ. سَلِمْتُ لَمْ يَحْفَظْ دَرْسَهُ. مَا رَأَيْتُ أَحَدًا الْيَوْمَ. سَأَلْتُكَ عَنْ مَسْأَلَةٍ فَلَمْ تُجِبْنِي. خَرَجْنَا مِنَ الدَّارِ.

### معاني الكلمات: Сўзларнинг маънолари

ўйнади	لَعِبَ، يَلْعَبُ، الْعَبْ	ўқувчи	تَلْمِيذٌ، (تَلَامِيذٌ)
ёзди	كَتَبَ، يَكْتُبُ، اُكْتُبُ	боғ, бўстон	حَدِيقَةٌ، (حَدَائِقُ)
мактаб	مَدْرَسَةٌ، (مَدَارِسُ)	келди	جَاءَ، يَجِيئُ، جِئْتُ
қичқирди	صَاحَ، يَصِيحُ، صَحَّ	ўртоғим	صَاحِبِي
нўхталамоқ, жиловламоқ	أَلْجِمَ، يُلْجِمُ، أَلْجِمُ	хўроз	دَيْكٌ، (دُيُوكٌ)
ўқиди	قَرَأَ، يَقْرَأُ، اِقْرَأْ	кетди	ذَهَبَ، يَذْهَبُ، اذْهَبْ
зиёрат қилди	زَارَ، يَزُورُ، زُرْ	ўғирлади	سَرَقَ، يَسْرِقُ، اَسْرِقْ
бирор киши	أَحَدًا	ёдлади	حَفِظَ، يَحْفَظُ، اِحْفَظْ
ҳовли	دَارٌ، (دُورٌ)	менга жавоб бермадинг	فَلَمْ تُجِبْنِي

### 3-§ أفعال المعرب Мўъраб феъллар

5. Музорейнинг барчаси мўъраб феълдир. Аммо муаннас нуни ва таъкид нуни аралашса мабнийга айланади.

Буни биз биринчи танбеҳда билиб оламиз.

6. Феъли музорейнинг эъроби уч турлидир:

Рафъ: يَكْتُبُ – ёзади, ёзаяпти.

Насб: أَنْ يَكْتُبَ – ёзмоқлиги.

Жазм: لَمْ يَكْتُبْ – ёзмайди.

7. Рафънинг муфрад (бирлик)даги ҳақиқий аломати даммадир.

يَكْتُبُ، تَكْتُبُ каби.

Энди беш ўринда, яъни тасния (иккилик) ва жамъ (кўплик)да дамма ўрнига нун тушмасдан, собит қолади.

يَكْتُبَانِ، تَكْتُبَانِ، يَكْتُبُونَ، تَكْتُبُونَ каби. Ушбу иккиси тасния, иккиси жам, бири мухотаб бўлган беш феълни «афъоли хамса», деб юритилади.

8. Насбнинг муфрад (бирлик)даги ҳақиқий аломати фатхадир.

يَكْتُبُ، لَنْ تَكْتُبَ каби.

Афъоли хамсада, яъни тасния (иккилик) ва жамъ (кўплик)да фатха ўрнига нун туширилади.

يَكْتُبَا، أَنْ تَكْتُبَا، أَنْ يَكْتُبُوا، أَنْ تَكْتُبُوا، أَنْ تَكْتُبِي каби.

9. Жазмнинг муфрад (бирлик)даги ҳақиқий аломати сукундир.

لَمْ يَكْتُبْ، لَمْ أَكْتُبْ каби.

Афъолу хамсада, яъни тасния (иккилик) ва жамъ (кўплик)да сукун ўрнига нун туширилади.

لَمْ يَكْتُبَا، لَمْ يَكْتُبُوا، لَمْ تَكْتُبُوا، لَمْ تَكْتُبِي каби.

#### الإعراب في الأفعال المضارع

الحالة الإعرابية	مُفْرَدٌ	تَشْبِيهُ (الأفعال الخمسة)	جَمْع (الأفعال الخمسة)
مَرْفُوعٌ: ←	يَكْتُبُ (الصَّمَّة)	يَكْتُبَانِ (تُبُوثُ التُّونِ)	يَكْتُبُونَ (تُبُوثُ التُّونِ)
مَنْصُوبٌ: ←	أَنْ يَكْتُبَ (الْفَتْحَةُ)	أَنْ يَكْتُبَا (حَذْفُ التُّونِ)	أَنْ يَكْتُبُوا (حَذْفُ التُّونِ)

مَجْرُومٌ: ←	لَمْ يَكْتُبْ (السُّكُونُ)	لَمْ يَكْتُبَا (حَذْفُ التَّوْنِ)	لَمْ يَكْتُبُوا (حَذْفُ التَّوْنِ)
--------------	----------------------------	-----------------------------------	------------------------------------

**1-танбех:** Таъкид нуни деб, феъли музореънинг маъносини таъкидлаш учун охирига кўшилган нунга айтилади. Бу нун ташдидли ёки сукунли бўлади. *каби. يَكْتُبَنَّ، يَسْمَعَنَّ*

**2-танбех:** Охири “алиф”, “вов”, “йо” иллатли ҳарф бўлган феълларда сукун ўрнига ҳарф иллат батамом тушириб юборилади. *каби. لَمْ يَخْشَ، لَمْ يَدْعُ، لَمْ يَزِمَ*

Феълнинг охиридаги ҳарф иллат “алиф” бўлса, у доимо сукунли бўлиб, унга ҳаракат бериш мумкин бўлмаганидан охирида рафъ ҳолида дамма, насб ҳолида фатҳа тақдир қилинади.

*каби. أَنْ يَخْشَى، أَنْ يَدْعُو، أَنْ يَزِمَ*

Агар феълнинг охиридаги ҳарф иллат «вов» ёки «йо» бўлса унга насб ҳолида фатҳани зоҳирда берамиз.

*каби. أَنْ يَدْعُو، أَنْ يَزِمَ*

Агар феълнинг охиридаги ҳарф иллат «вов» ёки «йо» бўлса унга дамма бериш оғир бўлганидан рафъ ҳолида дамма тақдир қилинади.

*каби. يَدْعُو، يَزِمَ*

Бундай яширин эъробга «эъроби тақдирий», дейилади.

Аломати кўриниб турган эъробга «эъроби лафзий» ёки «эъроби зоҳирий», дейилади.

#### الإعراب التَّفْدِيرِيُّ فِي الْأَفْعَالِ

حَالَةُ الْإِعْرَابِ	مَرْفُوعٌ ↓	مَنْصُوبٌ ↓	مَجْرُومٌ ↓
في آخره الألف المقصورة ←	يَخْشَى (الصَّمَّةُ الْمُقَدَّرَةُ)	أَنْ يَخْشَى (الْفَتْحَةُ الْمُقَدَّرَةُ)	لَمْ يَخْشَ (حذف الألف)
في آخره الواو ←	يَدْعُو (الصَّمَّةُ الْمُقَدَّرَةُ)	أَنْ يَدْعُو (الْفَتْحَةُ الظَّاهِرَةُ)	لَمْ يَدْعُ (حذف الواو)
في آخره الياء ←	يَزِمِي (الصَّمَّةُ الْمُقَدَّرَةُ)	أَنْ يَزِمِي (الْفَتْحَةُ الظَّاهِرَةُ)	لَمْ يَزِمَ (حذف الياء)

#### 4-машқ. Қуйидаги феъллардан марфуъ ва мажзумларни ажратинг:

يَأْكُلُ، يَنَامُونَ، يَقْعُدُ، يَقُومُ، يَسْأَلُ، تَكْتُبِينَ، يَخْشَى، يَقْرَأُ، تَقْرَأِي، يُسْرِجَانِ، أَلْعَبُ، تُحَضِرَانِ، تُشْطَبِينَ، تُلَوِّثُونَ، يُصَلِّي، يَتَعَدَّى، يُصَلِّي، تَتَعَشَّى، نَسْتَعْلِي، نَبْرَ، تَبْرِي، يَمْشِي، يَقْطَعُونَ، تَمْشِي، يَنْظُرُونَ.

#### 5-машқ. Қуйидаги марфуъ феълларни насб ҳолига ўзгартиринг:

يَقُومُ. يَلْعَبُونَ. يَرْكُضَانِ. تَرْكُضُونَ. يَمْشُونَ. تَمْشِي. تَلْتَفِتِينَ. تَنْشِئُونَ. أَصَلِّي. أَتَعَدَّى. يَخْشَى. يَزِمِي.

**6-машқ. Қуйидаги мансуб феълларни рафъ ҳолига ўзгартиринг:**

يُحْرِكُ. يَكْذِبُوا. يَكُونُوا. تَلْبَسُ. تَلْبَسِي. يَحْشَى. يَفْهَمُ. أَرْجِعُ. يَدْخُلَا. تَعْبُدُوا. يَحْمَرُّ. يَسْتَنْشِقُ. أُرْمِي.

**7-машқ. Қуйидаги мажзум феълларни насб ҳолига ўзгартиринг:**

يَدْعُ. تَسْأَلُ. يَرْضَى. يَبِي. يُزِمُّ. لَمْ يَقْعُدَا. يَحْشَى. تَبِعَ. يُفْهَمُ. أَخْفَى. أَبْرَأ.

**4-§**

أَسْمَاءُ الْمَعْرَبِ

**МЎЪРАБ ИСМЛАР**

10. Мўъраб исмлар жуда кўп бўлиб, эъроби уч турлидир.

Улар:

Рафъ: مُعَلِّمٌ (ўқитувчи)

Насб: مُعَلِّمًا (ўқитувчини)

Жар: مُعَلِّمٍ (ўқитувчининг)

11. Рафънинг муфрад (бирлик)даги ҳақиқий аломати, юқорида айтганимиздек «дамма»дир. مُعَلِّمٌ каби

Тасния исмларда дамма ўрнига «алиф» туради. مُعَلِّمَانِ каби.

«Жамъ музаккари солим» (тўғри музаккар кўплик)да дамма ўрнига «вов» туради: مُعَلِّمُونَ каби.

أَبٌ، أَحْ، حَمٌّ، فُو، دُو калималарида дамирга изофа бўлганида, дамма ўрнига «вов» туради.

أَبُوكَ، أَحُوكَ، حَمُوكَ، فُوكَ، دُومَالٍ

Маъноси: *Сенинг отанг, сенинг аканг, сенинг қайнотанг, сенинг оғзинг, мол эгаси.*

Бу беш исмни «Асмон хамса», деб аталади.

«Жамъи муаннас солим»да муфраддаги каби «дамма» туради:

Масалан: هَؤُلَاءِ مُعَلِّمَاتٌ каби.

«Ғойри мунсариф» исмларда дамма туради: ضَحِكْتُ فَاطِمَةٌ каби.



12. Насбнинг муфрад (бирлик)даги ҳақиқий аломати «**фатҳа**»дир.

Тасния (иккилик) исмларда фатҳа ўрнига олдидаги ҳарф фатҳали бўлган «**йо**» туради: رَأَيْتُ مُعَلِّمِينَ каби.

«Жамъи музаккари солим» (тўғри кўплик)да олдидаги ҳарф касрали бўлган «**йо**» туради.

Масалан: رَأَيْتُ مُعَلِّمِينَ каби.

Асмои хамсада фатҳа ўрнига «алиф» туради. دَامَالٍ، فَآكَ، حَمَاكَ، أَخَاكَ، أَبَاكَ каби.

«Жамъи муаннас солим»да фатҳа ўрнига «касра» туради: رَأَيْتُ مُعَلِّمَاتٍ каби.

«Ғойри мунсариф» исмларда фатҳа туради: رَأَيْتُ فَاطِمَةَ каби.

13. Жарнинг муфрад (бирлик)даги ҳақиқий аломати касрадир.

Тасния исмларда касра ўрнига олдидаги ҳарф фатҳали бўлган «**йо**» туради.

Масалан: مَرَرْتُ بِمُعَلِّمِينَ каби.

«Жамъи музаккари солим»да олдидаги ҳарф касрали бўлган «**йо**» туради.

Масалан: مَرَرْتُ بِمُعَلِّمِينَ каби.

Асмои хамсада касра ўрнига «йо» туради. ذِي مَالٍ، أَحْيَاكَ، حَيَّيَكَ، فِيكَ، ذِي مَالٍ каби.

«Жамъи муаннас солим»да «касра» туради: مَرَرْتُ بِمُعَلِّمَاتٍ каби.

«Ғойри мунсариф» исмларда касра ўрнига фатҳа туради. أَخَذْتُ مِنْ فَاطِمَةَ каби.

**1-танбех:** «Ғойри мунсариф» ёки مَمْنُوعٌ مِنَ الصَّرْفِ деб касрани ҳам танвинни ҳам қабул этмайдиган исмларга айтилади. Буларга жар ҳолатида касра ўрнига фатҳа қўйилади.

Ғайри мунсариф 12 хил бўлади:

1. أَحْمَدُ، أَعْلَمُ، أَحْمَدُ каби أَفْعَلُ вазнида бўлган алам ва сифатлар.

Масалан: أَحْمَدُ، أَعْلَمُ، أَفْضَلُ، أَحْمَرُ، أَسْوَدُ каби.

**Эслатма:** أَرْزَبُ каби алам ҳам, исми сифат ҳам бўлмаган исмлар ғайри мунсариф эмас.

2. دَرَاهِمٌ، دَنَانِيرٌ каби فَعَالِلٌ، فَعَالِلٌ вазни шаклида бўлган жамъи акбарлар.

Масалан: دَرَاهِمٌ، دَنَانِيرٌ، قَوَاعِدٌ، مَسَاجِدٌ، مَصَابِيحٌ

**Эслатма:** تَلَامِذَةٌ، مَلَائِكَةٌ каби «ё»ли бўлган жамълар булар каби ғайри мунсариф бўлмайди.

3. عُلَمَاءُ، مَرْضَى каби охирида алифи мақсура ёки алифи мамдуда бўлган жамъи асғарлар.

Масалан: مَرْضَى، صَحَارَى، أَصْدِقَاءُ، عُلَمَاءُ، مَرْضَى кабилар.

**Эслатма:** أبناء، أسماء каби жамъи асғар сийғаларининг охирида алифи мамдуда бўлса-да, ҳамзаси зоида ҳарф бўлмаганидан ғайри мунсариф эмас.

أشياءнинг жамъи اشياءнинг ҳамзаси аслий ҳарф бўлса-да, хилоф равишда ғайри мунсарифдир.

4. صَحْرَاءُ، صُغْرَى каби охирида алифи мақсура ёки алифи мамдуда бўлган исмлар. Масалан: فَتْوَى، إِخْدَى، حَمْرَاءُ، صَحْرَاءُ، غَاشِيَوَاءُ.

5. زَيْنَبُ، فَاطِمَةُ каби «те»ли ва муаннаси маънавий бўлган исмлар.

Масалан: مَرْيَمُ، زَيْنَبُ، عَائِشَةُ، خَدِيجَةُ، فَاطِمَةُ каби.

**Эслатма:** Тои таънисли музаккари маънавий бўлган аламлар ҳам ушбу ҳукмга киради.

Масалан: طَلْحَةُ، حَمْرَةُ، مُعَاوِيَةُ кабилар.

**Эслатма:** هِنْدُ، رَعْدُ каби ўртаси сукунли бўлган муаннас аламлар ғайри мунсариф эмас.

6. عُمَرَانُ، عُمَمَانُ каби охирида икки зоида: «ا» ва «ن» бўлган алам ва сифати мушаббаҳалар.

Масалан: رَمَضَانَ، عُمَمَانَ، سَكْرَانَ، عُمَمَانَ каби.

**Эслатма:** Охирида икки зоида: «ا» ва «ن» бўлиб, муаннасларига таънис кирган сифати мушаббаҳалар ғайри мунсариф бўлмайди.

Масалан: عُرْيَانُ – عُرْيَانَةٌ، نَدْمَانُ – نَدْمَانَةٌ

7. إِسْمَاعِيلُ، إِبْرَاهِيمُ каби ажамий бирор тилдан нақл қилинган аламлар.

Масалан: إِبْرَاهِيمُ، إِسْمَاعِيلُ، يَعْقُوبُ، يُوسُفُ، دَاوُدُ، سُلَيْمَانُ، إِسْكَندَرُ، جِبْرَائِيلُ каби.

**Эслатма:** نُوحٌ، هُودٌ، لُوطٌ каби ўртаси сукунли бўлган ажамий аламлар ғайри мунсариф бўлмайди.

8. يَزِيدُ، شَمْرٌ каби бирор бир феълдан нақл қилинган аламлар.

Масалан: تَبُوْكُ، يَنْبُعُ، يَثْرِبُ، يَشْكُرُ، يَزِيدُ، بَدْرٌ، شَمْرٌ каби.

Ушбу аламларнинг баъзиси ҳайвон исми, баъзиси инсон исми ва баъзиси жой ёки шаҳар номларидир.

9. حَضْرَمَوْتُ، بَعْلَبَكُ каби аслида икки калимадан таркиб топиб, сўнгра бир калима ҳукмида ишлатиладиган аламлар.

Масалан: شَمْسُ قَمَرٌ، مُحَمَّدُ نَبِيُّكَ، حَضْرَمَوْتُ، بَعْلَبَكُ каби.

**Эслатма:** مُحَمَّدُ الْأَمِينُ، عَبْدُ اللَّهِ каби каломда икки калима ҳукмида ишлатиладиган мураккаб аламлар ғайри мунсариф бўлмайди.

10. أَمْرٌ، عَمْرٌ каби вазнида бўлган аламлар ва баъзи жамъ сийғалари.

Масалан: كُنْتُ، جُمُعٌ، أَوْلٌ، أَمْرٌ، فُرْحٌ، زُحْلٌ، مُضَرٌ، زُفْرٌ، عَمْرٌ каби.

**Эслатма:** دُولُ، دُوْرُ، دُوْرٌ каби зикр қилинган жамълардан бошқа فُعْلُ вазнидаги жамълар ғайри мунсариф эмас.

11. أَحَادٌ، مَوْحَدٌ каби такрор учун бўлган исми ададлар.

Масалан: مَعْشَرَ - عَشَارَ، مَثَلَتْ - ثَلَاثَ، مَشِي - ثَمَاءَ، مَوْحَدٌ - أَحَادٌ.

12. مَمْلَكَاتٌ، مَصْرٌ، طَشَقَنْدٌ، أوزبَكِسْتَانٌ каби мамлакат ва шаҳар номлари.

Масалан: مَصْرٌ، مَبْلَغٌ، مِصْرٌ، مِصْرٌ، مِصْرٌ каби.

Ғойри мунсариф исмларнинг олдига «ال» кирса ёки орасига изофа қўшилса, уччала ҳаракатни ҳам қабул қилаверадиган “**мунсариф**”га айланади.

### الإعرابُ في الأسماءِ

الحَالَةُ الإِعْرَابِيَّةُ	مُفْرَدٌ	تَشْبِيهٌُ ↓	جَمْعُ الْمَذَكَّرِ ↓	جَمْعُ الْمُؤَنَّثِ ↓	غَيْرُ الْمُنْصَرَفِ ↓	الأَسْمَاءُ الْخَمْسَةُ ↓
في الرفع ←	مُعَلِّمٌ (الضَّمَّةُ)	مُعَلِّمَانِ (ألف)	مُعَلِّمُونَ (و)	مُعَلِّمَاتٌ (الضَّمَّةُ)	إِبْرَاهِيمُ (الضَّمَّةُ)	أَبُوكَ (الْوَاوُ)
في النصب ←	مُعَلِّمًا (الْفَتْحَةُ)	رَأَيْتُ مُعَلِّمِينَ (ي)	رَأَيْتُ مُعَلِّمِينَ (ي)	مُعَلِّمَاتٍ (الكَسْرَةُ)	إِبْرَاهِيمَ (الْفَتْحَةُ)	أَبَاكَ (الأَلِفُ)
في الجر ←	مُعَلِّمٍ (الكَسْرَةُ)	مَرَرْتُ بِمُعَلِّمِينَ (ي)	مَرَرْتُ بِمُعَلِّمِينَ (ي)	مُعَلِّمَاتٍ (الكَسْرَةُ)	إِبْرَاهِيمَ (الْفَتْحَةُ)	أَبِيكَ (البَاءُ)

### أَسْمَاءُ الْخَمْسَةِ:

في الرفع ←	هَذَا أَبُوكَ	أَخُوكَ	حَمُوكَ	فُوكَ	دُوْمَالِ
في النصب ←	رَأَيْتُ أَبَاكَ	أَخَاكَ	حَمَاكَ	فَاكَ	ذَامَالِ
في الجر ←	مَرَرْتُ بِأَبِيكَ	أَخِيكَ	حَمِيكَ	فِيكَ	ذِي مَالِ

الحَالَةُ الإِعْرَابِيَّةُ	مُفْرَدٌ	تَشْبِيهٌُ ↓	جَمْعُ الْمَذَكَّرِ ↓	جَمْعُ الْمُؤَنَّثِ ↓	غَيْرُ الْمُنْصَرَفِ ↓	الأَسْمَاءُ الْخَمْسَةُ ↓
في الرفع ←	هَذَا مُعَلِّمٌ	هَذَا مُعَلِّمَانِ	هَؤُلَاءِ مُعَلِّمُونَ	هَؤُلَاءِ مُعَلِّمَاتٌ	هَذَا إِبْرَاهِيمُ	هَذَا أَبُوكَ
في النصب ←	رَأَيْتُ مُعَلِّمًا	رَأَيْتُ مُعَلِّمِينَ	رَأَيْتُ مُعَلِّمِينَ	رَأَيْتُ مُعَلِّمَاتٍ	رَأَيْتُ إِبْرَاهِيمَ	رَأَيْتُ أَبَاكَ
في الجر ←	مَرَرْتُ بِمُعَلِّمٍ	مَرَرْتُ بِمُعَلِّمِينَ	مَرَرْتُ بِمُعَلِّمِينَ	مَرَرْتُ بِمُعَلِّمَاتٍ	مَرَرْتُ بِإِبْرَاهِيمَ	مَرَرْتُ بِأَبِيكَ

**2-танбех:** Юқорида айтилган сўзлардан шуни англанадики, рафъ билан насб феъл билан исм орасида муштарак бўлиб, жазм феълга, жар эса исмга хосдир.

**3-танбех:** Эъроби тақдирий феълда бўлгани каби исмда ҳам бўлади. Масалан: «**йо мутакаллим**»га музоф бўлган исмда ҳеч бир вақт эъроб ҳаракати

зоҳир бўлмайди. Балки рафъ ҳолида дамма, насб ҳолида фатҳа, жар ҳолида касра яширилади.

Масалан *إِنَّ مَذْهَبِي إِكْرَامِي لِصَدِيقِي* каби.

**Маъноси:** Ўртоғимни ҳурматлаш менинг йўналишимдир.

Шунингдек, охири «алифи мақсура» бўлган исмларда ушбу тарика рафъ ҳолида дамма, насб ҳолида фатҳа, жар ҳолида касра яширилади.

каби. *إِنَّ الْهُدَى هُدَى اللَّهِ، هُوَ عَلَى هُدَى*

**Маъноси:** Албатта ҳидоят Аллоҳнинг ҳидоятидир. У ҳидоят узрадир.

Шунингдек “манқус”, яъни охири ҳарфи «йо» бўлиб, «йо»нинг олдинги ҳарфи касралади бўлган исмларда, рафъ ҳолида дамма, жар ҳолида касра тақдир қилинади. Аммо насб ҳолатида фатҳа зоҳир бўлади.

каби. *رَأَى الْمُحَامِي الْقَاضِي الَّذِي حَكَمَ عَلَى الْجَانِي*

**Маъноси:** Оқловчи, жиноятчи устидан ҳукм чиқарган қозини кўрди.

#### الإِعْرَابُ التَّقْدِيرِيُّ فِي الْأَسْمَاءِ

الحَالَةُ الإِعْرَابِيَّةُ	المُضَافُ إِلَى بَاءِ الْمُتَكَلِّمِ	المَقْضُورُ (ألف لازمة)	المَقْضُوصُ (باء لازمة)
مَرْفُوعٌ: ←	جَاءَ صَدِيقِي (الضَّمَّةُ الْمُقَدَّرَةُ)	المُرْتَضَى (الضَّمَّةُ الْمُقَدَّرَةُ)	المُحَامِي (الضَّمَّةُ الْمُقَدَّرَةُ)
مَنْصُوبٌ: ←	رَأَيْتُ صَدِيقِي (الْفَتْحَةُ الْمُقَدَّرَةُ)	المُرْتَضَى (الْفَتْحَةُ الْمُقَدَّرَةُ)	المُحَامِي (الْفَتْحَةُ الطَّاهِرَةُ)
مَجْرُورٌ: ←	سَلَّمْتُ عَلَى صَدِيقِي (الكَسْرَةُ الْمُقَدَّرَةُ)	المُرْتَضَى (الكَسْرَةُ الْمُقَدَّرَةُ)	المُحَامِي (الكَسْرَةُ الْمُقَدَّرَةُ)

**8-машқ.** Қуйидаги жумлалардаги марфуъ исмларнинг устига бир чизиқ, мансубларнинг устига икки чизиқ, мажрурларнинг устига уч чизиқ чизиб ажратинг:

جَاءَ الْمُعَلِّمُ الْيَوْمَ إِلَى الْمَدْرَسَةِ فِي السَّاعَةِ السَّابِعَةِ. رَأَيْتُ أَبَاكَ يَنَامُ فِي الْحَدِيقَةِ. دَهَبْتُ إِلَى أَخِيكَ. جَاءَ حَمُوكَ. هَذَا الرَّجُلُ ذُو مَالٍ كَثِيرٍ. افْتَحَ قَاكَ. هَذَا الْقَلَمَانُ جَمِيلَانِ. هُوَ لَأَنَّ الرَّجَالَ مُحْتَرَمُونَ. هُوَ لَأَنَّ التَّلْمِيذَاتِ مُحْتَبَهَاتٍ. رَأَيْتُ مُعَلِّمَاتٍ. خُذْ هَذَيْنِ الْقَلَمَيْنِ. يُعْظَمُونَ ذَا الْجَاهِ. لَوْ أَنْصَفَ النَّاسُ اسْتِرَاحَ الْقَاضِي. إِحْتَرَمَ أَبَاكَ وَأَخَاكَ وَحَمَاكَ. إِحْتَرَمِي أُمَّكَ وَجَدَّتَكَ وَإِخْوَتَكَ وَأَخَوَاتِكَ. لَيْسَ أَخُوكَ بِذِي الْجَهْلِ. إِذْهَبْ إِلَى فَاطِمَةَ. أَدْعُ عَائِشَةَ. زَيْنَبُ امْرَأَةٌ فَاضِلَةٌ. صَدِيقِي جَاءَنِي. أَكْرَمْتُ أَخِي. نَلْتُ الْعَلَى.

**9-машқ.** Қуйидаги мансуб исмларни рафъ ҳолатига ўғиринг:

مُسَلِّمًا. رَجُلًا. مُؤَمِّنَاتٍ. حَدِيثِيَّةً. أَخَا عِلْمٍ. سَاعَتَيْنِ. كَثِيرًا. قَائِمِينَ. سَائِلِينَ. سَامِعِينَ. تَائِبَاتٍ. صَائِمَاتٍ. غَنَمَانَ. عُمَرَ. عَلِيًّا. أَبَا بَكْرٍ. أَبَا جَهْلٍ. أَخَاهَا. حَمَاهُ.

**10-машқ.** Қуйидаги жумлалардаги мўъраб исмларнинг эъроб турларини ва аломатларини айтиб чиқинг.

(Ушбу тариқа: *العِلْمُ* марфуъ, рафъ аломати дамма *أَفَيْدُ* марфуъ, рафъ аломати дамма *شَيْءٌ* мажрур, жар аломати касра...).

العِلْمُ أَفَيْدُ شَيْءٍ. الرَّصَاصُ وَالْقَصْدِيُّ مَعْدِنَانِ لَيْتَانِ. كُسِرَ الْقَلَمُ. إِذْهَبْ إِلَى فَرِيدٍ. تَعَلَّمَ فَلَيْسَ الْمَرْءُ يُوَلَّدُ عَالِمًا وَلَيْسَ أَخُو عِلْمٍ كَمَنْ هُوَ حَاهِلٌ. اشْتَرَيْتُ هَذَا الثَّوْرَ مِنْ أَخِيكَ مُحَمَّدٍ. قَبِلَ لِيُزَجِّمَهُ، بِمَ أَدْرَكْتَ مَا أَدْرَكْتَ مِنَ الْعِلْمِ. قَالَ بِبُكُورٍ كَبُكُورِ الْعُرَابِ وَصَبْرٍ كَصَبْرِ الْحِمَارِ وَجِرْصٍ كَجِرْصِ الْحِنْزِيرِ. مَا يُدْرِكُ الْعِلْمَ إِلَّا كُلُّ مُشْتَعِلٍ بِالْعِلْمِ هَمَّتُهُ الْقِرْطَاسُ وَالْقَلَمُ. لَا فَضَّ فُوكَ.

### معاني الكلمات: Сўзларнинг маънолари

қайнотанг	حَمُوكَ	ухлади	نَامَ يَنَامُ، نَمَّ
оғзинг	فَاكَ	мол эгаси	دُوْمَالٍ
инсоф қилди	أَنْصَفَ، يُنْصِفُ، أَنْصَفَ	мансабдор	ذَا الْجَاهِ
хурмат қилди	إِحْتَرَمَ، يَحْتَرِمُ، إِحْتَرَمَ	дам олди	اسْتَرَاحَ، يَسْتَرْيِخُ، اسْتَرَخَ
эъвозладим	أَكْرَمْتُ	жоҳил киши	بِذِي الْجَهْلِ
олий	الْعُلَى	эришдинг	نَلْتُ
қўрғошин	الرَّصَاصُ	фойдалироқ	أَفَيْدُ
кон, маъдан	مَعْدِنٌ، (مَعَادِنٌ)	қалай	الْقَصْدِيُّ
форс донишманди Бузражмеҳр	بُزْرَجْمَهْرَ	буқа	ثَوْرٌ، (ثِيْرَانٌ)
эрта саҳар, тонг	بُكُورٌ	нима билан топдинг	بِمَ أَدْرَكْتَ
чўчка, тўнғиз	حِنْزِيرٌ، (خَنَازِيرٌ)	харис, очкўз	جِرْصٌ
унинг ҳиммати	هَمَّتُهُ	топди	أَدْرَكَ، يُدْرِكُ، أَدْرِكُ
қандай чиройли гапирасан-а!	لَا فَضَّ فُوكَ	қоғоз, варақ	قِرْطَاسٌ، (قَرَاطِيسٌ)

### 5-§

#### أفعال المبني

#### МАБНИЙ ФЕЪЛЛАР

14. Мабний феъллар мозий билан амрдир. Музореънинг охирида муаннас нуни ёки таъкид нуни келса, музореъ мабнийга айланади.

15. Мозийнинг бирликдаги биноси фатҳадир. فَتَحْتُ каби.

«Вов»га тугаганда дамма бўлади. فَتَحُوا каби.

каби. شَرِبْتُ، شَرِبْتَ، شَرِبْتُمْ، شَرِبْتُمْ، شَرِبْنَا، شَرِبْنَا، شَرِبْتُمْ، شَرِبْتُمْ، شَرِبْنَا، شَرِبْنَا، شَرِبْتُمْ، شَرِبْتُمْ، شَرِبْنَا، شَرِبْنَا

16. Амрнинг бирликдаги биноси сукундир. افْتَحْنَا каби.

Охири ҳарфи иллатли бўлган амрларнинг биноси (ҳазфи охир) охиридаги ҳарфни тушириш биландир. اِبْرَ اِحْشَ، اُدْعُ каби.

Охирида و، ا، ي бўлган амрларнинг биноси (ҳазфи нун) нунни тушириш биландир. اِشْرَبَا، اِشْرَبُوا، اِشْرَبِي каби.

17. Таъкид нуни бўлган музореънинг биноси фатҳа, муаннас нуни туташгани эса сукундир. يَكْتُبْنَ، يَكْتُبْنَ، يَكْتُبُ каби.

**1-танбех:** 15-моддада кўрсатилган мисоллардаги فَتَحَتْ даги ت муаннас аломатидир. شَرِبْتُمْ даги مَا тасния аломати شَرِبْتُمْ лардаги نَ، م лар жам аломати бўлганидан улар таркиб қилишда эътиборга олинмайди.

**2-танбех:** Тасния, жамъ, ва мухотаб амрларнинг биноси «ҳазф нун» яъни, нунни тушган бўлиши музорининг олти мухотаб сийғасидан олиншига қарабдир.

**3-танбех:** رُدُّ، رُدُّ каби музоъаф амрларнинг охири фатҳали бўлсада, сукунга мабний, деб саналади. Чунки бундаги фатҳа бир ҳарфни иккинчи ҳарфга идғом қилинганидан келиб чиққан. Чунки булар аслида اُرِدُّ، اُرِدُّ бўлган.

**11-машқ.** Қуйидаги феълларнинг нима нарсага мабний бўлганини кўрсатинг:

(Ушбу тарика: جَمَعَ феъли мозий фатҳага мабний اِزْمَ феъли амр, охири ҳазф бўлгани (ҳазфи охир)га мабний.....)

جَمَعَ. اِزْمَ. اِفْرَأْ. اَفْعُدُوا. اِضْرِبَا. كَلُوا، اَكُنْسَنَ. اِنطَلِقِي. تَكَبَّرْتَ. فَهَمْتُ. تَوَضَّأْنَا. اَطِيعُوا. يَخْتَرِمَنَّ. عَسَلْتُمْ. اِحْمَرَّتْ. اِرْضَ. تَعَدَّ.

**12-машқ.** Қуйидаги мўъраб феълларнинг остига бир чизик, мабний феълларнинг остига икки чизик чизинг:

لُمْتُ. وَتَبُوا. يَعُدُّ. يَضْعُونُ. تَمَدَّانُ. يَأْخُذُنَ. دَخَرَجْتُمْ. عَلِمُوا. اَنْصُرِي. اِسْتَعْفِرُوا. اِمْتَحَنْتُ. كُسِرَ. يَذْبَحُ. دُخِرِحْتُ. وَسَّخَتَا. اِصْعَدَا. فَرَّ. رُدُّ. اِفْشَعُرُوا. يَذْهَبَنَّ. يَفْهَمَنَّ. اِكْفَهَرَ. تَمَارَضْنَا. زُعِرَعْتُ. تَوَكَّلَ. اِسْتَعِينُوا.

## 6-§

أَسْمَاءُ الْمَبْنِيِّ

### МАБНИЙ ИСМЛАР

18. Мабний исмлар мўъраб исмларга қараганда жуда оздир. Буларнинг бизга маълумлари «Исми ишоралар», «Исми мавсулалар», «Дамирлар»дир.

Бундан бошқа ҳозиргача биз билмаган «Исми шартлар», «Исми истифҳомлар» каби мабний исмлар ҳам бор.

Мабний исмларни билишда махсус бир қоида йўқ, уларни кўп эшитиб, кўп ўқигандан сўнггина билиш мумкин.

19. «Исми шартлар» бир жумлани иккинчи жумлага боғлаш учун ишлатиладиган исмлардир. Буларни биз тез фурсатларда ўрганамиз.

Исми истифҳомлар эса савол учун қўлланиладиган исмлардир.

**Исми ишоралар:** هَذَا، هَذِهِ، ذَلِكَ، تِلْكَ، هَؤُلَاءِ، أُولَئِكَ.

**Исми мавсулалар:** الَّذِي، الَّتِي، الَّذَانِ، الَّتَانِ، الَّذِيْنَ، الَّتِيْ.

**Дамирлар:** هُوَ، هُمْ، هِيَ، هُنَّ، أَنْتَ، أَنْتُمْ، أَنْتِ، أَنْتُنَّ، أَنَا، نَحْنُ.

**Исми шартлар:** إِنْ، إِذَا، مَنْ، مَا، مَهْمَا، أَيَّانَ، أَيَّنَمَا، حَيْثُمَا، كَيْفَمَا، أَيْ.

**Исми истифҳомлар:** مَنْ، مَا، مَاذَا، هَلْ، مَتَى، أَيْنَ، أَيْ، كَيْفَ، كَمْ.

**13-машқ. Қуйидаги жумлалардаги мўъраб исмлар билан мабний исмларни ажратинг.**

مَنْ هَذَا؟ هَلْ رَأَيْتَ التِّلْمِيذَ الَّذِي بَكَى أَمْسٍ فِي الْعَصْلِ. دَقَّتِ السَّاعَةُ. صَاحَ الدَّيْكُ. مَا هَذَا؟ مَتَى جِئْتَ؟ كَيْفَ حَالُكَ؟ قِيلَ لِعَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّاسٍ: أَيْ لَكَ هَذَا الْعِلْمُ؟ قَالَ: قَلْبٌ عَقُولٌ وَلِسَانٌ سَوْولٌ. أَنَا الَّذِي أُدْرَسُ فِي الْمَدْرَسَةِ الْحُسَيْنِيَّةِ. أَنْتِ الَّتِي ضَرَبْتِ هَذَا الْوَلَدَ. قِيلَ لِعَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ مَرْوَانَ: عَجَلْ عَلَيْكَ الشَّيْبُ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ؟ قَالَ وَكَيْفَ لَا يَعْجَلُ عَلَيَّ وَأَنَا أَعْرَضُ عَقْلِي فِي كُلِّ جُمُعَةٍ مَرَّةً أَوْ مَرَّتَيْنِ. الشَّيْبُ حِطَامُ الْمَنِيَّةِ. جَاءَ أَعْرَابِيٌّ إِلَى رَجُلٍ بِدِرْهَمٍ، فَقَالَ لَهُ الرَّجُلُ هَذَا زَائِفٌ فَمَنْ أَعْطَاكَهُ؟ قَالَ لِمَنْ مِثْلُكَ.

**14-машқ. Йигирмата исм келтиринг. Буларнинг ўнтаси мўъраб ва ўнтаси мабний бўлсин:**

## 7-§

### ناحو

### Наҳв

20. Жумлаларнинг турланиши сабабли калиманинг охири ўзгариши ва ўзгармаслигини билдирадиган илмга «**наҳв илми**» дейилур.

Демак наҳв илми, калималарнинг жумлага кириб, охирларини ўзгариш ёки ўзгармаслигини текширади.

Масалан араб тилидаги сўзларнинг охири тўрт хил кўринишда бўлади. Улар;

1. Рафъ - مُعَلِّمٌ (ўқитувчи, дамма), مَرْفُوعٌ – исмда ва феълда бўлади.
2. Насб - مُعَلِّمًا (ўқитувчини, фатҳа), مَنْصُوبٌ – исмда ва феълда бўлади.
3. Жар - مُعَلِّمٍ (ўқитувчининг, касра), مَجْرُورٌ - фақат исмда бўлади.

4. Жазм –  $مَ يُعَلِّمُ$  (суқун),  $مَخْرُومٌ$  - фақат феълда бўлади.

Охиридаги бу ҳаракатлар қай даражада муҳим эканини қуйидаги мисолдан билиб оламиз:

$كَسَرَ مَحْمُودٌ الْقَلَمَ$  Маҳмуд қаламни синдирди, десак, бу ерда  $مَحْمُودٌ$ нинг охирига дамма яъни, (у) қўйдик. Чунки араб тили қоидасига биноан ишни бажарувчи фоилга дамма қўйилади.

$قَلَّمَ$  сўзи охирига фатҳа яъни, (а) қўйдик. Чунки араб тили қоидасига биноан бажарилмиш, яъни мафъулум бихга фатҳа қўйилади.

Биз ана шу арабий матндаги  $مَحْمُودٌ$  сўзи охирига дамма қўйиш ўрнига янглишиб, фатҳа қўйиб  $مَحْمُودًا$  десак, ва  $قَلَّمَ$  сўзи охирига фатҳа қўйиш ўрнига янглишиб, дамма қўйиб  $قَلَّمَهُ$  десак маъно бутунлай ўзгариб “Қалам Маҳмудни синдирди” бўлиб қолади. Ҳеч қачон қалам Маҳмудни синдирмайди, балки Маҳмуд қаламни синдиради.

Бундан ташқари, наҳв илми калималарнинг эъроб, бино жиҳатидан ҳолатларни текширадиган илмдир.

21. Сарф илми эса, калималарнинг ёлғиз ҳолини текширади.

Масалан, « $خَرَجَ$  - чиқди», « $يَخْرُجُ$  - чиқади», « $خَارِجٌ$  - чиқувчи», « $خَارِجِيٌّ$  - хорижий, ташки», « $مَخْرَجٌ$  - чиқиш жойи», « $مُتَخَرِّجٌ$  - битириб чиққан» сўзларининг ўзаги-  $خ ر ج$  дир.

« $كَشَفْتُ$  – очдим», « $مَكْشُوفٌ$  – очилган», « $كَشَّافٌ$  – кашфиётчи, очувчи», « $اِكْتِشَافٌ$  – кашф қилиш, очиш» сўзларининг ўзаги-  $ك ش ف$  дир.

Араб тилида пул майдалаш билан шуғулланадиган кишини  $صَرَّافٌ$  (сарроф) дейилади. Демак сўзларни ҳам майдалаб, ҳар-турлик қилиб берадиган фанни ана шу ўзакдан олинган  $صَرَّفٌ$  номи билан аталади. Чунки сарф фанида битта масдарни олиб, уни 192 га бўлинади.

1. Феъли мозий маълум: 14-хил.
2. Феъли мозий мажҳул: 14-хил.
3. Феъли музореъ маълум: 14-хил.
4. Феъли музореъ мажҳул: 14-хил.
5. Исми фоъил: 6-хил.
6. Исми мафъул: 6-хил.
7. Феъли жаҳд маълум: 14-хил.
8. Феъли жаҳд мажҳул: 14-хил.
9. Феъли нафий маълум: 14-хил.
10. Феъли нафий мажҳул: 14-хил.
11. Амр ҳозир: 6-хил.
12. Амр ғоиб: 8-хил.
13. Амр ғоиб мажҳул: 14-хил.
14. Феъли наҳий маълум: 14-хил.



15. Феъли наҳий мажҳул: 14-хил.  
 16. Исми замон ва макон: 3-хил.  
 17. Исми олат: 3-хил.  
 18. Исми тафзил: 6-хил.

22. Наҳв фанида кўпроқ эътибор мўъраб калималарга қаратилади. Чунки мабний феъллар оз сонлидир. Мабний исмлар эса, бир қоидага кирмайди, балки луғат китобларга мурожаат қилиб ҳамда кўп эшитиб ва кўп ўқиш орқали билинади. Бундан кейин феълнинг рафъ, насб, жазм ўринлари ва исмнинг рафъ, насб, жар ўринларини текшириш билан шуғулланамиз.

## 8-§

### محال الفعل الناصبة

### ФЕЪЛНИНГ НАСБ ЎРИНЛАРИ

23. Феъл ушбу тўрт ҳарфнинг биридан кейин келса, мансуб (фатҳа) бўлади.

أَنَّ – (моқ, ш, - иш)

لَنْ – (ҳеч, эмас)

كَيْ – (учун)

إِذَنْ – (ундай бўлса).

أُرِيدُ أَنْ أَتَعَلَّمَ التَّحْوِ – наҳвни таълим олмоқни хоҳлайман.

لَنْ يَفُوزَ الْكَسَلَانُ – дангаса ҳеч муваффақият қозонмайди.

اسْمِعْ كَيْ تَفْهَمَ – тушуниш учун қулоқ сол.

إِذَنْ تَنَالَ الْجَائِزَةَ سَأَجْتَهِدُ، – фаол бўламан, ундай бўлса мукофотга эришасан.

24. Баъзи бир ўринларда ўзи маҳзүф бўлиб, ف، وَ، حَتَّى، ل، каби ҳарфлар ордидан феъли музореъни насбли қилади.

حَضَرْتُ لِأَنْ أَسْمَعَ، لَا تَنْهَ عَنْ خُلُقِي وَتَأْتِي مِثْلَهُ، إِصْبِرْ حَتَّى أَرْجِعَ إِلَيْكَ. اجْتَهِدْ فَتَنَالَ الْجَائِزَةَ.

Булар аслида:

حَضَرْتُ لِأَنْ أَسْمَعَ، لَا تَنْهَ عَنْ خُلُقِي وَأَنْ تَأْتِي مِثْلَهُ، إِصْبِرْ حَتَّى أَنْ أَرْجِعَ إِلَيْكَ. اجْتَهِدْ فَأَنْ تَنَالَ الْجَائِزَةَ.

**15-машқ. Қуйидаги жумлалардаги феъли музореъларга насб аломатларини қўйинг:**

جئتُ كَيْ اتَّعَلَّمَ. لَنْ تَنَالَ الْجَائِزَةَ حَتَّىٰ بَجْتَهْدَ كَثِيرًا. قَالَ لِي أُرِيدُ أَنْ أُزَوِّدَ. قُلْتُ إِذْنُ أُرْمِكُ. لَا تَأْكُلْ وَتَمَشِي فِي الشَّوَارِعِ. لَا تُعْضِبْ رَئِيسَكَ فَتَكُونَ مِنَ الْخَاسِرِينَ. قَالَ التَّلْمِيزُ: أَنَا أَجْتَهْدُ كَثِيرًا، قُلْتُ: إِذْنُ تَنْجَحُ فِي الْإِمْتِحَانِ. لِأَسْعِيَنَّ حَتَّىٰ أَرْضِيكَ. لَا تَحْسَبِ الْمَجْدَ تَمْرًا أَنْتَ آكِلُهُ لَنْ تَبْلُغَ الْمَجْدَ حَتَّىٰ تَلْعَقَ الصَّبْرًا

**16-машқ. Қуйидаги жумлаларда феъли музореъларни нима билан мансуб бўлганлигини ва ундаги насб аломатларини нима сабабли бўлганини сўзланг:**

(Ушбу тарика: **فَعْلُوكُمْ** феъли музореъ кى сабабли мансуб. Насб аломати ҳазфи нун (нун тушиб қолгани) **يَعْدَى** феъли музореъ, **لَنْ** сабабли мансуб. Насб аломати фатҳаи муқаддара.....).

إِتَعَبُوا فِي شَبَابِكُمْ كَيْ تَحْضُلُوا عَلَى الرَّاحَةِ فِي شَيْخُوخَتِكُمْ. هَذَا التَّلْمِيزُ لَنْ يَتَعَدَى اللَّيْلَةَ. جُودُوا فَتَسُودُوا. لَمْ يَجُودُوا فَيَسُودُوا. هَلْ تَظْلِمُنِي وَأَنْصِفَكَ. لَا تَأْكُلِ السَّمَكَ وَتَشْرَبِ اللَّبَنَ. إِذْهَبْ إِلَى النَّمْلَةِ لِتَسْتَعْلَمَ الْإِجْتِهَادَ. إِتَعَبُوا صِغَارًا حَتَّىٰ تَسْتَرْيَحُوا كِبَارًا. لَنْ تُحْرِزُوا الْمَجْدَ إِلَّا بِالْجِدِّ.

لَا تَنْهَ عَنْ خُلُقٍ وَتَأْتِي مِثْلَهُ عَارٌ عَلَيْكَ إِذَا فَعَلْتَ عَظِيمٌ

**17-машқ. Қуйидаги жумлалардаги хатоларни тузатиб ёзинг:**

وَأَنْ تَصُومُونَ خَيْرٌ لَكُمْ. لَنْ تَنَالَوْنَ الْبِرَّ حَتَّىٰ تُنْفِقُونَ مِمَّا تُحِبُّونَ. إِجْتَهِدِي كَيْ تَنَالِيَنَّ الْجَائِزَةَ. لَا أُزَوِّدُكَ فَتَهْجُرِي. خَطَرَ لِي أَنْ أُزَوِّدَكَ أَمْسِي فَمَا قَدَرْتُ. يُرِيدُ أَنْ يَقِفَ عَلَى تَارِيخِ الْعَبَّاسِيِّينَ. قَالَ: لِي سَأَخْطُبُ فِي الْحَاضِرِينَ، قُلْتُ: إِذْنُ تَهَيِّجُ عَوَاطِفَهُمْ. قَالَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ: إِيَّاكَ وَمُؤَاخَاةَ الْأُمَمِ لِأَنَّهُ رُبَّمَا أَرَادَ أَنْ يَنْفَعَكَ فَضَرَّكَ.

**معاني الكلمات: سۆزلارнинг маънолари**

сени зиёрат қилмоқни	أَنْ أُزَوِّدَكَ	етишмайсан	لَنْ تَنَالَ
ғазаб қилма	لَا تُعْضِبْ	кўча	شَارِعٌ، (شَوَارِعُ)
надомат чекканлар	الْخَاسِرِينَ	бошлиқ	رَئِيس
албатта ҳаракат қиламан	لِأَسْعِيَنَّ	муваффақият қозонасан	تَنْجَح
шарафлик	الْمَجْدَ	ҳисоблама	لَا تَحْسَبِ
яламагунча	حَتَّىٰ تَلْعَقَ	хурмо	تَمْرٌ
йигит	شَابٌ، (شَبَابٌ)	машаққатни кўтаринглар	إِتَعَبُوا
қарилик	شَيْخُوخَتِكُمْ	қўлга киритишларинг учун	كَيْ تَحْضُلُوا

сахий бўлинглар	جُودُوا	ҳеч овқатланмайди	لَنْ يَتَعَدَى
сенга инсоф қиламан	وَأَنْصِفَكَ	ҳукмрон бўласизлар	فَتَسُودُوا
қўлга киритмайсизлар	لَنْ تُخْرِزُوا	ҳатти-ҳаракат, фаоллик	الْإِجْتِهَاد
келтириш, бажариш	تَأْتِي	қайтармагин	لَا تَنْهَ
менинг фикримга келди	خَطَرَ لِي	мендан ҳижронда бўлсанг	فَتَهْجُرْنِي
ҳаяжонга келтирасан	تُهَيِّجُ	устида тўхталмоқ	أَنْ يَقِفَ
сақлангин, четда бўл	إِيَّاكَ	ҳиссиёт	عَاطِفَةٌ، (عَوَاطِفُ)
эҳтимол	رَبِّمَا	дўст биродар бўлмоқ	مُواخَاةَ

## 9-§

## محال الفعل الجازمة

## ФЕЪЛНИНГ ЖАЗМ ЎРИНЛАРИ

25. Феъл қуйидаги ўн олти калималарнинг биридан кейин келса, мажзум (сукун) бўлади. Улар:

لَمْ، لَمَّا، لَأَمْ الْأَمْرِ، لَا نَاهِيَةَ، إِنَّ، إِذْمَا، مَنْ، مَا، مَهْمَا، مَتَى، أَيَّانَ، أَيَّنَمَا، أَيَّ، حَيْثُمَا، كَيْفَمَا، أَيُّ.

26. Сукун ўқитувчи ҳарфлардан аввалги тўрттаси, биргина феълни жазм қилади.

– لَمْ يَذْهَبَ أَحَدٌ – *Бирор киши кетмади:* (لَمْ – ма)

– تَعَلَّمَ الْقِرَاءَةَ وَلَمَّا يَكْتُبُ – *Ўзмас ҳам ўқишни ўрганди:* (لَمَّا – ма)

– مُرِّبِنَا فَاحْتَرَمْنَا مُعَلِّمَهُ – *Ўғлингга буюргин ўқитувчисини ҳурмат қилсин:*  
(لَأَمْ الْأَمْرِ – амр ломи)

– لَا تَيْأَسُ مِنْ رَحْمَةِ اللَّهِ – *Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлма:* (لَاءَ النَّهْيِ – нахий ломи)

Қолган ўн икkitаси икки феълни жазмли қилади. Бу феъллардан аввалгиси «**феъли шарт**», иккинчиси эса «**жавоби шарт**», деб аталади.

– *اِنْ تَرَحِمْتَ رَحِمْنَا* – *Агар раҳм қилсанг раҳм кўрасан:* ( *اِنْ* – агар)

– *اِذَا تَعَلَّمْتَ تَعَلَّمْنَا* – *Қачонки таълим олсанг ривожланасан:* (*اِذَا* – қачонки)

– *مَنْ يَطْلُبْ يَجِدْ* – *Ким талаб қилса топади:* (*مَنْ* – ким)

– *مَا تَحْصِلَ فِي الصَّبْرِ يَنْفَعَكَ فِي الْكِبَرِ* – *Ёшликда нимани қўлга киритсанг катта бўлганигда манфаат кўрасан:* (*مَا* – нима)

– *مَهْمَا تُبْطِنُ تُظْهِرُهُ الْاَيَّامُ* – *Қачон яширсанг кунлар очиб ташлайди:* (*مَهْمَا* – қачон)

– *مَنْ يَصْلُحْ بَاطِنُكَ يَصْلُحْ ظَاهِرُكَ* – *Қачон ички кўринишинг ислоҳ бўлса устки кўринишинг ҳам ислоҳ бўлади:* (*مَنْ* – қачон)

– *اَيَّانَ تَسْأَلُنِي اُجِبْكَ* – *Қачон мендан сўрасанг сенга жавоб бераман:* (*اَيَّانَ* – қачон)

– *اَيْنَمَا تَذْهَبْ تُكْرِمُ* – *Қаерда бўлмасин борсанг ҳурмат кўрасан:* (*اَيْنَمَا* – Қаерда бўлмасин)

– *اِنِّي يَذْهَبُ صَاحِبُ الْمَالِ يُكْرِمُ* – *Мол соҳиби қаерга бормасин ҳурмат қилинади:* (*اِنِّي* – қаерда)

– *حَيْثُمَا تَنْزِلُ تُكْرِمَا* – *қайси жойга тушсангиз ҳурмат қилинасизлар:* (*حَيْثُمَا* – қайси жойга)

– *كَيْفَمَا تَكُنْ يَكُنْ قَرِينُكَ* – *қандай бўлсанг дўстинг ҳам шундай бўлади:* (*كَيْفَمَا* – қандай)

– *اَيُّ كِتَابٍ تَقْرَأُ تَسْتَفِيدُ* – *қайси китобни ўқисанг фойда оласан:* (*اَيُّ* – қайси)

**18-машқ. Қуйидаги жумлалардаги мажзум феълларнинг жазм аломатларини белгила:**

اَيْنَمَا تَكُونُوا يُدْرِكُكُمُ الْمَوْتُ. لَا تَكْسَلُ فِي طَلَبِ الْعِلْمِ. لَمْ يَكْنِسُوا الدَّارَ. قُطِفَ الثَّمَرُ وَلَمَّا يَنْضَجْ. مَتَى تَتَّقِنِ الْعَمَلَ تَبْلُغِ الْأَمَلَ. أَيُّهَا الْأَوْلَادُ، لِيَكُنْ لَكُمْ رَغْبَةٌ فِي طَلَبِ الْعِلْمِ. إِنْ تَبَدُّوا مَا فِي أَنْفُسِكُمْ أَوْ تُخْفَوُهُ يُحَاسِبِكُمْ بِهِ اللَّهُ. مَنْ يَعْمَلْ سُوءًا يُجْزَ بِهِ. مَا تَفْعَلُوهُ فِي الدُّنْيَا ثَلَاثُوهُ فِي الْآخِرَةِ. إِنْ تَقُمْ أَقْمِ. حَيْثُمَا تَذْهَبْ أَذْهَبْ. أَيُّ يَوْمٍ تُسَافِرُ أُسَافِرُ مَعَكَ. حَيْثُمَا تَسْتَقِيمُ يُقَدِّرُهُ لَكَ اللَّهُ بِحَاجَا. مَهْمَا تَكُنْ حَاجَتُكَ أَفْضَلُهَا لَكَ. كَيْفَمَا تَفْعَلْ أَفْعَلْ. لَمْ يَذْهَبْ مُحَمَّدٌ الْيَوْمَ إِلَى الْمَدْرَسَةِ. أَيَّانَ تُحْسِنُ إِلَى الْفُقَرَاءِ يَمْدَحُكَ النَّاسُ.

**19-машқ. Суқун ўқитувчи ҳарфлардан** كَيْفَمَا، أَيْنَمَا، مَتَى، إِنْ، نَاهِيَه، لَمْ، لَمَّا، لَمْ الْأَمْرِ، لَا نَاهِيَه، إِنْ، مَتَى، أَيْنَمَا، كَيْفَمَا ларни қўшиб, биттадан мисол келтиринг.

**20-машқ. Қўйдаги феъллардан мансубларининг остига бир чизиқ, мажзумларнинг остига икки чизиқ чизинг.**

لِيُنْفِقَ دُوسَعَةً مِنْ سَعَتِهِ. أَرَدْتُ أَنْ أَذْهَبَ إِلَيْكَ فَلَمْ أَقْدِرْ. إِذْمَا تَتَّقِ تَرْتَقِ. لَمَّا يُشْمِرُ بُسْتَانَنَا وَقَدْ أَمْرَتِ الْبَسَاتِينُ. جِئْتُ كَيْ أَسْأَلَكَ عَنْ هَذِهِ الْمَسْأَلَةِ الصَّعْبَةِ. أَلَيْسَ تَكُنْ يَرْكَ اللَّهُ. مَتَى يَحْسُنْ أَخْلَاقُكَ يَكْثُرْ أَصْدِقَاؤُكَ. لِيَلْزِمَ كُلُّ إِنْسَانٍ حَدَّهُ. لَمَّا صَرَخَ التَّلْمِيذُ الْأَحْمَقُ بِأَنَّهُ سَيَتْرُكُ الدَّرُوسَ أَجْبُثُهُ إِذَنْ تَعْصَّ الْأَنَامِلَ حَسْرَةً. لَا يَجُوزُ فِي قَانُونِ الصَّحَّةِ أَنْ تَتَّقَلَ مِنْ مَكَانٍ حَارٍّ إِلَى مَكَانٍ بَارِدٍ وَلَا أَنْ يَجْلِسَ أَوْ تَنَامَ عَلَى أَرْضٍ رَطْبَةٍ وَلَا أَنْ تَتَعَرَّضَ لِمَجْرَى الْهَوَاءِ وَلَا يَلْزِمَ أَنْ تَشْرَبَ مَاءً بَارِدًا إِذَا كُنْتَ حَارًّا وَلَا أَنْ تَسْتَحِمَّ أَوْ تَغْتَسِلَ بَعْدَ الْأَكْلِ.

**21-машқ. Қўйдаги жумлалардаги калималарга тегишли ҳаракатларни қўйинг:**

قَالَ الْفَاسِقُ: إِنِّي سَأْتُوْبٌ، فُلْتُ: إِذَنْ يَغْفِرْكَ اللَّهُ. لَنْ أَتْرَكَكَ حَتَّى أَمُوتَ. إِنْ بَجْتَهْدِ تَنْلِ الْعُلَى. لَمْ يَسْمَعُوا فِيْهِمْهُمَا. مَنْ يَفْعَلُ الْخَيْرَ يُجْزِ عَلَيْهِ. لَمْ يَزِرْ كِاسْلَانٌ فِيْحِصْدُ. لَمْ يَقْرَأِ الدَّرْسَ. كَيْفَمَا تَعَامَلِ النَّاسَ يَعَامِلُوكَ. أَيَّانَ تَحْسُنُ سِرِّيْرَتَكَ تُحْمَدُ سِيْرَتَكَ. لَمْ يَبِرِ الْقَلَمَ. هَمَّكَ اصْرَفَهُ إِلَى جَائِزَةٍ \*\*\* إِنْ تَنَلَهَا تَنْلِ الْفَخْرَ الْأَجَلَ.

### معاني الكلمات: Сўзларнинг маънолари

Дангасалик қилма	لَا تَكْسَلْ	Сизларни топади	يُذَرِّكُمْ
узилди	فُطِفَ	супурмадилар	لَمْ يَكْنِسُوا
пишмаганида	لَمَّا يَنْصَجْ		تَمَرَ، (أَثْمَار)
орзу	أَمَلٌ، (أَمَال)	Чиройли суратда бажарсанг	تُتَقَنُ
Қизиқиш, рағбат	رَغْبَةٌ	бўлсин	لِيَكُنْ
яширсангизлар	تُخْفُوا	Очиқчасига бажарсанглар	تُبْدُوا
ёмонлик	سُوْءٌ، (أَسْوَاءٌ)	Сизларни ҳисоб- китоб қилади	يُحَاسِبُكُمْ
Бажарган нарсаларингиз	مَا تَفْعَلُوهُ	жазолайди	يُجْزِ
турсангиз	تَقَمُّ	йўлиқасиз	تُلَاقُوهُ
Истиқоматда бўлсангиз	تَسْتَقِمُّ	Сафар қилсангиз	تُسَافِرُ
муваффақиятни	يُجَاحًا	Унда тақдир қилади	يُقَادِرُهُ
Уни адо этаман	أَقْضِيهَا	ҳожатинг	حَاجَتِكَ
Қамбағал	فَقِيرٌ، (فُقَرَاءٌ)	Эҳсон, яхшилик	تُحْسِنُ

		қилсанг	
Инфоқ қилсин	لِيُنْفِقَ	Сени мақтайди	بِمَدْحِكَ
Мол-мулкидан	مِنْ سَعَتِهِ	Бадавлат киши	دُوسَعَةٍ
Тақво қилсанг	تَتَّقِ	Қурбим етмади	لَمْ أَقْدِرْ
Мева бермади	لَمَّا يُثْمِرْ	ривожланасан	تَزْتَقِي
келдим	جِئْتُ	боғ	بُسْتَانٌ، (بَسَاطِينُ)
Сени кўради	يَرَكَ	Қийин, жумбоқ	الصَّعْبَةَ
Лозим тутсин	لِيَلْزَمَ	дўст	صَدِيقٍ، (أَصْدِقَاءُ)
Аниқ гапирди	صَرَخَ، يُصْرَخُ، صَرَخَ	Ўз чегарасини	حَدَّهُ
тишлайди	نَعَضُ	Жавоб бердим	أَجَبْتُهُ
Хасрат-надомат	حَسْرَةً	Бармоқ учи	أُتْمَلُ، (أَنَامِلُ)
соғлик	الصِّحَّةَ	қонун	قَانُونٌ، (قَوَائِينُ)
иссиқ	حَارٌّ	Кўчиб ўтмоғинг	أَنْ تَنْتَقِلَ
нам	رَطْبَةً	совуқ	بَارِدٌ
Ҳаво йўналиши	لِمَجْرَى الْهَوَاءِ	Кўндаланг турмоғинг	أَنْ تَتَعَرَّضَ
Ғусл қилмоғинг	تَغْتَسِلَ	Ҳаммомга тушмоғинг	أَنْ تَسْتَحِمَّ
Сени кечиради	يُعْفِرُكَ	Тавба қиламан	سَأُتُوبُ
етишасан	تَنْلُ	Сени ҳеч тарк қилмайман	لَنْ أَتْرَكَكَ
Мукофот олади	يُجْزَى	Олийлик	الْعُلَى
Муомала қилсанг	تُعَامَلُ	Териб оларди	فِيحْصُدُ
Сийратинг, ахлоқинг	سِيْرَتِكَ	Ички томонинг	سِرِّيْرَتِكَ
етишасан	تَنْلُ	Учини чиқармади	لَمْ يَبْرِ

## 10-§

## محل الفعل الرافعة

## ФЕЪЛНИНГ РАФЪ ҲРИНЛАРИ

27. Феълнинг олдида насб (фатҳа ўқитувчи ҳарфлар) билан жазм (суқун ўқитувчи ҳарфлар)дан ҳеч бири бўлмаса у рафъ (дамма) бўлади.

каби. يَفْرَأُ التَّلْمِيذُ، يَكْتُبُ الْمُعَلِّمُ

**Маъноси:** Ўқувчи ўқияпти, ўқитувчи ёзаяпти.

**Танбех:** Мабний феъллардан бирортаси эъроб ўринларидан бир ўринга тушса, унга ҳеч бир ўзгариш киритилмайди. Балки «эъроби маҳаллан» деб кетилади.

Масалан: **جيء** да **ان جئت** **أكرمته** феъли мозий, сукунга биноан мабний, маҳаллан жазмда, дейилади.

**22-машқ.** *Қуйидаги жумлалардаги марфуъ феълларнинг дамма билан марфуъ бўлганлари остига бир чизиқ, нун билан марфуъ бўлганларини остига икки чизиқ чизинг:*

الْجَاهِلُ يَعْتَمِدُ عَلَى نَسَبِهِ وَالْعَاقِلُ يُعْوَلُ عَلَى أَدَبِهِ. يَرْتَفِعُ قَدْرُ الْإِنْسَانِ بِفَصَاحَةِ اللِّسَانِ. إِنْتَانِ لَا يَشْبَعَانِ، طَالِبٌ عِلْمٍ وَطَالِبٌ مَالٍ. تُبْصِرِينَ عُيُوبَ غَيْرِكِ وَلَا تَنْظُرِينَ إِلَى عُيُوبِكِ. يُكْرَمُ الْمُعَلِّمُ. الْآبَاءُ يُحْتَرَمُونَ. الْكَبِيرُ وَالْعَجَبُ يَسْتَلْبَانِ الْفَضَائِلَ وَيُكْسِبَانِ الرَّذَائِلَ. التَّلَامِيذُ الْمُحْتَشِدُونَ لَا يُلَامُونَ. تُرِيدِينَ إِذْرَاكَ الْمَعَالِي رَحِيصَةً. الْمَرِيضُ لَا يَسْرُهُ شَيْءٌ. كَلْبَةٌ عَيَّرَتْ لِبُوءَهُ فَقَالَتْ أَنَا أَلِدُ تَمَائِيَةً فِي بَطْنٍ وَاحِدٍ وَأَنْتِ لَا تَلِدِينَ إِلَّا وَاحِدًا. فَقَالَتِ اللَّبُوءَةُ: إِلَّا أَنِّي أَلِدُ أَسَدًا وَأَنْتِ لَا تَلِدِينَ إِلَّا الْكِلَابَ.

**23-машқ:** *Қуйидаги жумлалардаги мансуб, марфуъ, мажзум феълларни ажратинг:*

مَهْمَا يَكُنْ فِي ضَمِيرِكَ يَظْهَرُ عَلَى جَبِينِكَ. الْفَلَاحُونَ يَشْتَعِلُونَ فِي الصَّيْفِ كَثِيرًا يَحْرَثُونَ الْأَرْضَ وَيَزْرَعُونَ وَيَحْشُونَ الْحَشِيشَ وَيَحْصُدُونَ الزَّرْعَ. الْحَائِمُ يُصْنَعُ مِنَ الذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ وَغَيْرِ ذَلِكَ مِنَ الْمَعَادِنِ. سَعِيدٌ لَمْ يَفْهَمْ دَرْسَهُ. لَمَّا يَفْهَمُ هَذَا الْبَلِيدُ دَرْسَهُ. إِذَا تَتَعَلَّمَ تَنْحَجُ. لَنْ يُفَوِّزَ الْكَسَلَانُ. مَنْ يَعِفَّ عَنِ الرِّلَاتِ يَأْمَنَ الْعَثْرَاتِ. قَلِيلٌ تَدُومُ عَلَيْهِ خَيْرٌ مِنْ كَثِيرٍ تَنْقَطِعُ عَنْهُ.

**24-машқ.** *Қуйидаги жумлалардаги феълларнинг тақдиридаги ҳаракатларини айтинг:*

يُحِبُّ الْعَاقِلُ أَنْ تَبْقَى آثَارُهُ. الْحَقُّ يَغْلُو. مُحَمَّدٌ يَبْرِي قَلَمَهُ. الْمُسْلِمُ يَحْشَى اللَّهَ. لَا يَزِمِي الْعَاقِلُ بِنَفْسِهِ إِلَى التَّهْلُكَةِ. الْقَوِيُّ مِنْ يَمُوتِ عَلَى فَهْرٍ نَفْسِهِ. أَدْعُو اللَّهَ كُلَّ لَيْلَةٍ. يَغْوِي الذَّنْبُ. يُبْرِي الْقَلَمُ. سَلِيمٌ يَتَعَشَّى وَتَحْمُودٌ يُصَلِّي. لَنْ يَرْضَى عَنْكَ مُعَلِّمُكَ وَأَنْتِ تَلْعَبُ دَائِمًا.

**25-машқ.** *Қуйидаги жумлалардаги мўъраб феъллар билан мабний феълларни ажратинг ҳамда бино ва эъроб аломатларини айтиб беринг:*

أَكْتُبُ خَيْرَ الَّذِي تَسْمَعُ وَاحْفَظْ خَيْرَ الَّذِي تَكْتُبُ. أَيْ شَيْءٍ تَفْعَلُهُ جُحَازَ عَلَيْهِ. قِيلَ لِأَعْرَابِيٍّ، مَا اسْمُ الْمَرَقِ عِنْدَكُمْ؟ – قَالَ السَّحِينُ. قِيلَ فَإِذَا بَرَدَ؟ – لَا نَشْرَبُهُ حَتَّى يَبْرَدَ. جَاءَ رَجُلٌ إِلَى رَجُلٍ مِنَ الْأَعْيَابِ، فَقَالَ لَهُ: أَنَا جَارُكَ وَقَدْ مَاتَ أَحِبِّي فَلَا تَنْفُرْ لِي بِكَفْرِي. قَالَ: لَا وَاللَّهِ مَا عِنْدِي الْيَوْمَ شَيْءٌ وَلَكِنْ جِئْتُ بَعْدَ أَيَّامٍ فَسَيَكُونُ الَّذِي تُحِبُّ.

دُبَابَةٌ وَقَعَتْ عَلَيَّ قَرْنِ نَوْرٍ وَظَنَنْتُ أَنَّهَا تَقَلَّتْ عَلَيَّ. فَقَالَتْ لَهُ إِنَّ كُنْتُ قَدْ تَقَلْتُ عَلَيْكَ فَأَعْلِمْنِي حَتَّى أُطِيرَ عَنْكَ. فَقَالَ لَهَا النَّوْرُ:  
يَا هَذِهِ! مَا شَعَرْتُ بِنُزُولِكَ حَتَّى يُرِيحَنِي فِرَاقُكَ.

### معاني الكلمات: Сўзларнинг маънолари

суянди	اعْتَمَدَ، يَعْتَمِدُ، اعْتَمَدَ	жоҳил	الجَاهِلُ
ақлли	عَاقِلٌ، (عُقْلَاءٌ)	насаб	نَسَبِهِ
Одоб-ахлоқ	أَدَبٌ، (آدَابٌ)	таянади	عَوَّلَ، يُعَوِّلُ، عَوَّلَ
Фасоҳати билан	بِفَصَاحَةٍ	Баландлайди	ارْتَفَعَ، يَرْتَفِعُ، ارْتَفَعَ
Мол-дунё	مَالٌ، (أَمْوَالٌ)	тўймайди	لَا يَشْبَعَانِ
айб	عَيْبٌ، (عُيُوبٌ)	кўрасизлар	تُبْصِرِينَ
ота	أَبٌ، (آبَاءٌ)	Ҳурмат қилинади	يُكْرَمُ
кибр	الْكِبْرُ	Ҳурмат қилинадилар	يُحْتَرَمُونَ
Иккови тортиб олади	يَسْتَلْبِانِ	ғурур	العُجْبُ
Ўзига касб қилади	يُكْسِبَانِ	фазилат	فَضِيلَةٌ، (فَضَائِلٌ)
Маломат қилинмайдилар	لَا يُلَامُونَ	разолат	رَذَائِلٌ، (رَذَائِلٌ)
Олий мартаба	الْمَعَالِي	топмоқ	إِدْرَاكَ
Хурсанд қилмайди	لَا يَسُرُّهُ	Арзон, арзимас	رَحِيصَةٌ
айблади	عَيَّرَتْ	Она ит	كَلْبَةٌ
туғаман	أَلِدُ	Она шер	لَبْوَةٌ
туғмайсан	لَا تَلِدِينَ	қорин	بَطْنٌ، (بُطُونٌ)
итвачча	الْكِلَابُ	шерхон	أَسَدًا
кўринади	يُظْهَرُ	Виждон, қалб	ضَمِيرٌ
деҳқон	فَلَّاحٌ، (فَلَّاحُونَ)	пешона	جَبِينٌ
хайдайдилар	يَجْرُونَ	Машғул бўладилар	يَشْتَعِلُونَ
Ўт-ўлан	الْحَشِيشُ	ўрадилар	يَحْشُونَ
узук	الْحَنَاطِمُ	Териб оладилар	يَخْصِدُونَ
олтин	الذَّهَبُ	ясалади	يُصْنَعُ
Маъдан, кон	مَعْدِنٌ، (مَعَادِينٌ)	кумуш	الْفِضَّةُ
Эси паст	الْبَلِيدُ	тушунмади	لَمْ يَفْهَمْ
Ҳаргиз ғалабага эришмайди	لَنْ يَفُوزَ	Муваффақият қозонасан	تَنْجَحُ
янглишиш	الرَّيْلَاتُ	сақланса	يَعِيفُ



қоқилиш	العثرات	Омонда бўлди	أَمِنَ، يَأْمَنُ، ائْتَمَنَ
Узилиб қоладиган	تَنَقَّطُ عَنْهُ	Давом этади	تَدْوَمُ
изи	آثَارُهُ	қолмоғини	أَنْ تَبْقَى
Учламоқ (қаламни)	بَرَى، يَبْرِى، اِبْرَ	Олий бўлди	عَلَى، يَعْلُو، أُعْلَى
ташламайди	لَا يَزِمِي	кўрқди	خَشِيَ، يَخْشَى، اِخْشَى
Кучли бўлса	قَوِي، يَقْوَى، اِقْوَى	ҳалокат	التَّهْلُكَةَ
бўри	ذَيْبٌ، (ذَيْبٌ)	Улиди, вовуллади	عَوَى، يَعْوِي، اِعْوَى
Намоз ўқиди	صَلَّى، يُصَلِّي، صَلَّى	Кечки овқатни евоқ	تَعَشَّى، يَتَعَشَّى، تَعَشَّ
доимо	دَائِمًا	Рози бўлди	رَضِيَ، يَرْضَى، اِرْضَ
жазоланасан	بُحَّاز	Қайси нарса	أَيَّ شَيْءٍ
Бульон, шўрва	الْمَرْقُ	аъробий	أَعْرَابِيٌّ
совуди	بَرَدٌ، يَبْرُدُ، اُبْرُدُ	Иссик, қайнатма	السَّحِينُ
келди	جَاءَ، يَجِيءُ، جِئَ	кафан	كَفَنٌ، (أَكْفَانٌ)
қўнди	وَقَعَتْ	пашша	ذُبَابَةٌ
буқа	ثَوْرٌ، (ثَيْرَانٌ)	шоҳ	قَرْنٌ
Менга билдир	أَعْلَمَنِي	Оғир келди	ثَقُلَ، يُثَقِّلُ، ثَقُلَ
Ҳис қилмадим	مَا شَعَرْتُ	учаман	أَطِيرُ
Роҳат берса менга	يُرِيحُنِي	қўнганингни	بُنْزُولِكِ

## مرفوعات

### 11-§

محال رفع الاسم

### ИСМНИНГ РАФЪ ЎРИНЛАРИ

28. Исм олти ўринда марфуъ бўлади:

1. Фоъил.
2. Ноиб фойил.
3. Мубтадо.

4. Хабар.
5. «Кана» ва ахавотининг исми (афъолу ноқиса).
6. «Инна» ва ахавотининг хабари (хуруфи мушаббаҳа билфеъл).

**Танбех:** Тавобеъ яъни, эргашувчилар билан 7 хил бўлади.

29. «Кана»нинг ахавоти (издошлари) ушбу феъллардир:

كَانَ، أَصْبَحَ، أَضْحَى، ظَلَّ، بَاتَ، أَمْسَى، مَا زَالَ، مَا بَرِحَ، مَا انْفَلَكَ، مَا فَتِيَءَ، مَا دَامَ، صَارَ، لَيْسَ.

30. «Инна»нинг ахавотлари ушбу ҳарфлардир:

إِنَّ، أَنْ، كَأَنَّ، لَكِنَّ، لَيْتَ، لَعَلَّ.

**26-машқ.** *Исм неча ўринда ва қай ўринларда марфуъ бўлади. Тўлалигича ёддан айтиб беринг:*

**27-машқ:** *«Кана»нинг ахавотларини ҳамда «инна»нинг ахавотларини тартиб билан ёддан айтиб беринг:*

## 12-§

فاعل

### ФОЪИЛ

31. Фоъил – маълум феълдан сўнг келиб, шу феълни ишлаган киши ёки ишлаган нарсани кўрсатиб, ким ёки нима сўроқларига жавоб бўлган исмдир.

каби. لَعِبَ الْوَلَدُ، دَقَّتِ السَّاعَةُ

**Маъноси:** *Бола ўйнади, соат жиринглади.*

Мана бу мисолларда الْوَلَدُ исми, لَعِبَ маълум феълдан кейин келиб, шу феълни бажарган кишини кўрсатади.

السَّاعَةُ исми دَقَّتِ маълум феъли сўнгидан келиб, шу феълни бажарган нарсани билдиради. Шунинг учун булар «фоъил»дир.

32. Фоъил музаккарда, муаннасада, муфрадда, таснияди, жамда, исми зоҳирда, исми замирда бўлиши мумкин:

каби. جَاءَ الْمُعَلِّمُ، ذَهَبَتِ الْمُعَلِّمَةُ، قَامَ التَّلْمِيذَانِ، قَالَ الْمُعَلِّمُونَ، فَعَدْتُ.

33. Фоъил музаккар бўлганда феъл музаккар бўлиши, фоъил муаннас бўлганда феъл муаннас бўлиши лозим:

каби. فَعَدَ مُحَمَّدٌ، قَامَتْ فَاطِمَةُ

34. Фоъилнинг муфрад, тасния, жам бўлишига қараб, феъл ўзгармайди. Балки муфрад ҳолича туради.

каби. قَامَ الْمُعَلِّمُ، قَامَ الْمُعَلِّمَانِ، قَامَ الْمُعَلِّمُونَ

**Маъноси:** “Ўқитувчи турди, икки ўқитувчи турди, ўқитувчилар турдилар.

Аммо феъл фоъилдан кейин келса фоъилга мослашади.

каби. قَامَ، الْمُعَلِّمَانِ قَامَا، الْمُعَلِّمُونَ قَامُوا

**1-танбех:** Фоъил ҳар вақт маълум феълдан сўнг келади. Шунинг учун уни «маълум феълдан сўнг келиб...», деб таъриф қилинади.

**2-танбех:** Фоъил жамъи таксир (синиқ кўплик) ва муаннас жамъ бўлса ҳам феъл музаккар бўлаверади. جاءت الجوارى، جاء الجوارى каби.

**28-Машқ:** Қуйидаги фоъилларнинг остига бир чизиқ чизинг:

نَامَ الْوَلَدُ. قُمْتُ فَفَرَأْتُ دَرْسِي. جَاءَتْ فَاطِمَةُ إِلَى الْمَدْرَسَةِ. طَلَعَ الصُّبْحُ وَعَرَدَ الطَّيْرُ. اِفْتَتَلَ الْجَيْشَانِ خَمْسَةَ أَيَّامٍ. يَنْمُو الْعَقْلُ كَمَا يَنْمُو النَّبَاتُ. خَرَجَ التَّلَامِيذُ إِلَى الدَّارِ. مَاءَ الْهَرِّ وَنَبْحِ الْكَلْبِ. بَحْرِي الرِّيَاحُ بِمَالَا تَشْتَهِي السُّفُنُ. لَمْ كَسَرْتَ الْقَلَمَ؟ لَمْ ضَرَبْتَ الْكَلْبَ؟ ذَهَبْنَا إِلَى الْعَابَةِ. سَأَلْنَا فَأَعْطَيْتُمْ. طَلَعَ النُّجُومُ. دَخَلَتِ الْمُعَلِّمَاتُ الْمَدْرَسَةَ. طَالَ اللَّيْلُ. ذَهَبَ أَبُوكَ إِلَى السُّوقِ.

**29-машқ.** Қуйидаги исмларнинг олдига бирор феъли мозий келтириб, кичкина жумлалар тартиб этинг:

(Ушбу тариха: صَاحَ الدِيكُ)

الدِيكُ. الْوَلَدُ. الدَّجَاجَةُ. الشَّجَرُ. التَّلْمِيذَةُ. الْكَلَابُ. أَحْوَكُ. أَخْوَاتُكَ. الْبَلْبُلُ. الشَّمْسُ

**30-Машқ:** Қуйидаги фоъиллардан “дамма” билан марфуъ бўлганини ва “алиф” билан марфуъ бўлганини ҳамда “вов” билан марфуъ бўлганини учга ажратиб ёзинг:

ضَرَبَ الْمُعَلِّمُ أَحَاكَ. إِهْدَمَ سُورَ الْمَدِينَةِ. فَرَّ تَلْمِيذَانِ مِنَ الْمَدْرَسَةِ. تَنَتَّصَبُ أَذُنَا الْفَرَسِ عِنْدَ الْخُوفِ. انْتَشَرَتِ الْأَخْبَارُ. فَرَّ اللَّصُوفُ مِنَ السَّجْنِ. خَرَجَ مِنَ الْبَيْتِ حَيَّةٌ سَوْدَاءُ. نَبَحَتِ الْكَلْبَةُ. تَمَوَّهَ الْهَرَّةُ. كَبُرَ أَبُوكَ. جَاءَ حَمُوكَ. سَارَتِ الْقَوَافِلُ إِلَى مَكَّةَ. يَنْدَمُ الْكَسَالَانُ. قَدِمَ الْمَسَافِرُونَ.

**31-Машқ:** Қуйидаги фоъиллардан «лафзан» марфуъ бўлганларини ва «маҳаллан» марфуъ бўлганларни ажратиб ёзинг:

دَخَلْتُ الْفَصْلَ. نِمْتُ كَثِيرًا. خَرَجَتِ الْخَادِمَةُ إِلَى السُّوقِ وَاشْتَرَتِ الْبَطِيخَ. اِسْتَهَزَّ السَّمُوعَةُ عِنْدَ الْعَرَبِ بِالْوَفَاءِ. سَاءَ خُلُقُهُ. صَلَّيْنَا الْجُمُعَةَ. كَنَسْتُ الْبَيْتَ. ضَحَكْتُمْ كَثِيرًا. خَلَدَ التَّارِيخُ عَدَلًا عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ. حَارَبَ أَبُو بَكْرٍ الصَّدِيقُ أَهْلَ الرِّدَّةِ وَقَهَرَهُمْ ثُمَّ بَعَثَ الْجَيْشَ إِلَى بِلَادِ فَارِسَ وَالشَّامِ وَفَلَسْطِينَ. لَمْ كَسَرْتُمَا هَذَا الْفِنْجَانَ؟

**32-Машқ: Қуйидаги жумлаларни эъробланг:**

(Ушбу тарика **رَكَضَ** феъли мозий фатҳага мабний, фатҳаси зоҳир, **الفَرَسُ** марфуъ лафзан дамма билан **رَكَضَ**нинг фоъили.

**يَتَعَشَّى** феъли музореъ, марфуъ, тақдирдаги дамма билан, **الْحَادِمُ** марфуъ лафзан, дамма билан **يَتَعَشَّى**га фоъил).

**رَكَضَ** الفَرَسُ. **يَتَعَشَّى** الحَادِمُ. **بَاضَتِ** الدَّجَاحَةُ. **مَاتَ** المَرِيضُ. **نَامَ** العَافِلُونَ. **جَاءَتِ** البُشْرَى. **قَامَتِ** فَاطِمَةُ. **اقْتَتَلَ** الجَيْشَانِ. **تَنَازَعَ** التِّلْمِيذَانِ.

**معاني الكلمات: Сўзларнинг маънолари**

чикди	طَلَعُ، يَطْلَعُ، اِطْلَعُ	ухлади	نَامَ، يَنَامُ، نَمَّ
сайради	عَزَدَ، يُعَزِدُ، عَزِدْ	тонг	الصُّبْحُ
икки аскар	الجَيْشَانِ	урушди	اقْتَتَلَ، يَقْتَتِلُ، اقْتَتِلْ
ўсимлик	النَّبَاتُ	ўсди	نَمَا، يَنْمُو، اُنْمُ
мушук	الهُرُّ	миёвлади	مَاءٌ، يَمْوُ، مَوْ
эсади	تَجْرِي	вовиллади	نَبَحَ، يَنْبَحُ، اِنْبَحْ
хоҳламаган	بِمَالَا تَشْتَهِي	шамол	الرِّيَاحُ
ўрмон	العَابَةُ	кема	سَفِينَةٌ، (سُفُنٌ)
узайди	طَالَ، يَطُولُ، طُلْ	юлдуз	جُحْمٌ، (جُحُومٌ)
бузилди	اِحْدَمَ، يَنْهَدِمُ، اِنْهَدِمْ	бозор	سُوقٌ، (أَسْوَاقٌ)
қочди	فَرَّ، يَفِرُّ، فِرْ	девор	سُورٌ، (أَسْوَارٌ)
тарқалди	اِنْتَشَرَتْ	кўтарилади	تَنْتَصِبُ
ўғри	اِصَّ، (أُصُوصٌ)	хабар	خَبْرٌ، (أَخْبَارٌ)
илон	حَيَّةٌ	қамокхона	سِجْنٌ، (سُجُونٌ)
қайнотанг	حَمُوكٌ	отанг	أَبُوكٌ
карвон	قَافِلَةٌ، (قَوَافِلٌ)	юрди	سَارٌ، يَسِيرُ، سِرْ
дангаса	الكَسَلَانُ	надомат қилди	نَدِمَ، يَنْدَمُ، اِنْدَمْ
сотиб олди	اشْتَرَتْ	мусофирлар	المُسَافِرُونَ
машхур бўлди	اشْتَهَرَ، يَشْتَهَرُ، اِشْتَهَرَ	тарвуз	البَطِيخُ
ёмон бўлди	سَاءَ، يَسُوءُ، سُؤٌ	донишманд исми	السَّمْوَعُلُ
абдийлаштирди	خَلَدَ، يُخَلِدُ، خَلِدْ	аёллар супурдилар	كُنُسَانٌ
мағлуб қилди	قَهَرَهُمْ	курашди	حَارَبَ، يُحَارِبُ، حَارِبٌ
пиёла	الفَنجَانُ	аскар	جَيْشٌ، (جُيُوشٌ)

## 13-§

نائب فاعل

## НОИБИ ФОЪИЛ

35. Ноиби фоъил – мажхул феълдан сўнг келиб, тушириб қолдирилган фоъил ўрнига ноиб бўлган исмдир.

كُسِرَ الْقَلَمُ، سُرِقَتِ السَّاعَةُ

**Маъноси:** қалам синдирилди, соат ўзгирланди.

Мана бу мисоллардаги *كُسِرَ* билан *سُرِقَتِ* сўзларининг иккиси ҳам мажхул (ноаник) феъллардир. Буларнинг фоъили зикр этилмай, тушириб юборилган. Шу мажхул феъллардан сўнг келган *الْقَلَمُ* билан *السَّاعَةُ* фоъил ўрнига ўринбосар бўлиб, марфуъ бўлган.

36. Фоъил билан ноиби фоъил орасидаги фарқ қуйидагичадир:

Фоъил ишни бажарувчи кишини ёки бажарувчи нарсани кўрсатган исмдир. Ноиби фоъил эса, иш унга тушган киши ёки бажарилмиш исмдир. Фоъил маълум феълдан сўнг келади. Ноиби фоъил эса, мажхул феълдан сўнг келади.

37. Ноиби фоъил музаккар бўлса, феъл музаккар бўлади. Ноиби фоъил муаннас бўлса, феъл муаннас бўлади.

Юқоридаги *كُسِرَ الْقَلَمُ، سُرِقَتِ السَّاعَةُ* каби.

38. Шунингдек, ноиби фоъил муфрадда, таснияда, жамъда, музаккарда, муанназда, исми зоҳирда, исми замирда бўлади. Ҳамда ноиби фоъилнинг муфрад, тасния, жамъ бўлишига қараб феъл ўзгармайди. Балки муфрад ҳолича қолади. Яъни феъл жинсда ўзгаради аммо сонларда ўзгармайди.

39. Феъл билан фоъилдан ёки феъл билан ноиби фоъилдан мураккаб бўлган жумлага «**жумлаи феълийя**», деб аталади.

**Танбех:** Мабний исмлардан бирортаси, эъроб ўринларидан бир ўринга тушса, ҳеч бир ўзгариш киритмасдан «**эъробии маҳаллан**», деб кетилаверади.

Масалан, *أَكْرَمْتُ* да *ت* замир, фатҳага биноан мабний, маҳаллан рафъда бўлиб, *أَكْرَم* га ноиби фоъил, дейилади.

**33-машқ. Келажак жумлалардаги ноиби фоъилларнинг рафъ аломатларини кўрсатинг:**

كُتِبَ الْمَكْتُوبُ. يُطَلَّبُ الْعِلْمُ. ضَرِبَ الْغُلَامَانِ. سُئِلَتِ الْمَسْئَلَةُ. يُحْتَرَمُ الْوَالِدَانِ. يُكْرَهُ الْمُفْسِدُونَ. فَهِمَ الدَّرْسُ. أَكْرَمَ أَخُوكَ.  
يُؤْكَلُ الطَّعَامُ. أَشْهَرَتِ الْمُطْبَعَةُ فِي أَوَاسِطِ الْقَرْنِ الْخَامِسِ عَشَرَ. يُدْعَى عَصْرُ الْعَرَبِ قَبْلَ الْإِسْلَامِ عَصْرَ الْجَاهِلِيَّةِ.

**34-машқ. Қуйидаги жумлалардаги фоъилнинг остига бир чизик, ноиби фоъилнинг остига икки чизик чизинг:**

يُعْرِفُ الرَّجَالَ بِكَلَامِهِمْ وَأَعْمَالِهِمْ. يُطَاعُ ذُو الْأَمْرِ. يَنْجُو الصَّالِحُونَ وَيَهْلِكُ الطَّالِحُونَ. عِنْدَ الْإِمْتِحَانِ يُكْرَمُ الْمَرْءُ أَوْ يُهَانُ. جَاءَ وَقْتُ الدَّرْسِ. أَفْلَحَ الْمُجْتَهِدُونَ. أُمْتُحِنَتِ التَّلْمِيذَاتُ وَاسْتُخْسِنَتِ أَجْوِبَتُهُنَّ. قُلِعَتِ الْأَسْنَانُ. جَرِحَ الْكَلْبُ. يُحْفَظُ الدَّرْسُ. أُكْرِمَ الْمُعَلِّمُ.

**35-машқ. Қуйидаги ноиб фозиллардан зоҳир бўлганларни ва дамир бўлганларни ажратиб ёзинг:**

يُصَامُ رَمَضَانَ. أَنْشِدَتِ الْأَشْعَارُ. دُفِنَ الْمَيِّتُ. فُبِضَ اللَّصُوصُ فَأَلْقَوْا فِي السِّجْنِ. لَا يُبَاخُ السِّرُّ لِمَنْ لَا يَقْدِرُ عَلَى كَتْمِهِ. سُئِلْتُ عَنْ مَسْئَلَةٍ صَعْبَةٍ فَأَجَبْتُ عَنْهَا حَالًا. أُكْرِمَ أَحْوَكُ. ضَرَبْتُمْ شَدِيدًا. قُضِيَتْ حَاجَةُ الْمُسَافِرِ. لَا تُعَاشِرُ الْأَشْرَارَ. أُمْتُحِنْتُ الْيَوْمَ. دُعِيْتُ إِلَى وَليمةٍ بِدَارِ أَحَدِ أَصْدِقَائِي. أُكْرِمَتِ كَثِيرًا أَيْتُهَا الْمُعَلِّمَةُ. يُطَاعُ الْأَبْوَانُ وَيُعْظَمَانِ. يُحِبُّ الْأَصْدِقَاءَ وَيُكْرَهُونَ.

**36-машқ. Биринчи рақамдаги феъллардан иккинчи рақамдаги исмларга муносибини топиб қўйинг:**

- ۱- كُسِرَ، تُطَاعُ، ضُرِبَ، يُزْرَعُ، يُجْتَنَبُ، يُطَلَبُ، صِيمَ، سُرِقَتْ، شُرِبَ، فُبِضَتْ.  
۲- الْأُمُّ، الْأَشْرَارُ، رَمَضَانَ، الْمَاءُ، الْقَلَمُ، السَّارِقُ، الْغُلَامُ، الْعِلْمُ، الْأُرْزُ، السَّاعَةُ.

**37-машқ. Қуйидаги жумлаларни эъробланг:**

سَمِعَ الْقَوْلَ. يُصَلِّي الْعَبْدُ. غُسِلَ الثَّوْبُ. يُكْرَمُ الْأَسْتَاذُ. كُسِرَتِ الْمِحْبَرَةُ. أُخْتُرِمَتِ. ضُرِبَتْ.

معاني الكلمات: سۆزلارнинг маънолари

Икки бола	الغلمان	мактуб	المكتوب
Ҳурмат қилинади	يُحْتَرَمُ	сўралдим	سُئِلْتُ
фасодчилар	المفسدون	Ёмон кўрилади	يُكْرَهُ
Ҳурмат қилинди	أُكْرِمَ	англанди	فُهِمَ
босмахона	المطبعة	Машхур бўлди	أشهرت
номланади	يُدْعَى	ўрта	أَوْسَطُ، (أَوَاسِطُ)
ишбоши	ذو الأمر	Итоат қилинади	يُطَاعُ
Ҳалок бўлди	هَلَكَ، يَهْلِكُ، إِهْلَكَ	Нажот топди	بَجِيَ، يَنْجُو، أَنْجُ
Хор бўлади	يُهَانُ	ёвузлар	الطالحون
Имтиҳон қилинди	أُمْتُحِنَتْ	Нажот топди	أَفْلَحَ، يُفْلِحُ، أَفْلَحَ
жавоб	جواب، (أَجْوِبَةٌ)	маъқулланди	اسْتُخْسِنَتْ
тиш	أَسْنَانُ، (الأسنان)	Суғириб олинди	قُلِعَتْ
ёдланади	يُحْفَظُ	Жароҳат қилинди	جَرِحَ
қуйланди	أَنْشِدَتْ	Рўза тутилади	يُصَامُ

Дафн қилинди	دُفِنَ	шеър	شِعْرٌ، (أشعار)
ўғри	لِصَّنِّ، (لُصُوصٌ)	Қўлга туширилди	قُبِضَ
қамоқхона	السِّجْنِ	ташланди	أُتْفِوا
беркитмоқ	كَتَمَ	Ҳавола қилинмайди	لَا يُبَاحُ
Жавоб бердим	فَأَجَبْتُ	қийинчилик	صَعْبَةً
бажарилинди	فُضِيَتْ	Шу заҳоти	حَالاً
ёмонлар	الأَشْرَارُ	Алоқада бўлинмайди	لَا تُعَاشَرُ
тўй	وَلِيْمَةٌ	чақирилдим	دُعِيْتُ
улуғланади	يُعْظَمَانِ	Итоат қилинади	يُطَاعُ

## 14-§

مبتدأ، خبر

## МУБТАДО, ХАБАР

مَحْمُودٌ، نَشِيْطٌ. Мана булар икки исм.

Бу исмларни бир-бирига қўшиб مَحْمُودٌ نَشِيْطٌ десак, Махмуд фаолдир, деган бир жумла ҳосил бўлади.

Бу жумланинг аввалгиси, яъни مَحْمُودٌ унинг ҳақида сўз сўзланган кишини кўрсатади.

Иккинчиси, яъни نَشِيْطٌ эса аввалгиси ҳақидаги хабарни билдиради.

40. Шу тариха икки исмдан қўшилиб ясалган жумлада, унинг ҳақида сўз сўзланган нарса, (яъни гапнинг мавзусини билдирадиган бўлаги, гапнинг боши) «мубтадо», дейилади. Одатда мубтадо “маърифа”, бўлади.

Сўзланган сўзни хабарини берган калимага «хабар», дейилади. Одатда хабар “накра”, бўлади.

41. Хабар муфрадда бўлиши мумкин. Масалан, مُحَمَّدٌ كَسَلَانٌ дегандаги каби.

Жумлада ҳам бўлиши мумкин. الْعَدْلُ يَحْسُنُ آتْرَهُ، الْكَسَلُ آخِرُهُ نَدَمٌ، дегандаги каби.

**Маъноси:** Дангасаликнинг охири надоматдир. Адолатнинг қолган изи яхши бўлади.

Шибҳ жумлада ҳам бўлиши мумкин.

بَلَاءُ الْإِنْسَانِ مِنَ اللِّسَانِ، الْحَيَّةُ تَحْتَ الْعُشْبِ دегандаги каби.

**Маъноси:** Инсоннинг балоси тилидандир. Илон майса остидадир.

42. Хабар – муфрад, тасния, жамъликда, шунингдек музаккарлик, муаннасликда мубтадога мувофиқ бўлиши мумкин.

Муфрад: الْمُؤَدَّبُ مَحْبُوبٌ

Тасния: الْمُؤَدَّبَانِ مَحْبُوبَانِ

Жамъ: الْمُؤَدَّبُونَ مَحْبُوبُونَ

Музаққар: النَّشِيطُ مَحْبُوبٌ

Муаннас: الْمُؤَدَّبَةُ مَحْبُوبَةٌ

**1-танбех:** Мубтадо билан хабардан мураккаб бўлган жумла «жумлаи исмийя» деб аталади.

**2- танбех:** «Шибх жумла», деб жар (касра ўқитувчи) ҳарф кирган ёки зарф (замон ва макон) бўлган исмга айтилади.

Юқоридаги تَحْتَ مِنَ اللِّسَانِ, каби. Булар ҳақида келажакда сўз боради.

**38-машқ.** Қуйидаги жумлалардаги мубтадони, муфрад хабарни, жумлаи исмийя бўлган хабарни ва жумлаи феълийя бўлган хабарни ажратинг:

الصِّدْقُ يَنْجُو قَائِلُهُ. فَرِيدٌ مُجْتَهِدٌ. كَلَامُ الرَّجُلِ مِيزَانُ عَقْلِهِ. الْحَسَدُ يَقْتُلُ صَاحِبَهُ. الْعِلْمُ نُورٌ. النَّارُ مُحْرِقَةٌ. الشَّمْسُ طَالِعَةٌ. الْمُعَلِّمُونَ مُكْرَمُونَ. اللَّيْلُ مُظْلِمٌ. أَخْوَكٌ عَامٌ. صَدْرُ الْعَاقِلِ صُنْدُوقٌ سِرٌّ. أَبُوكَ عَمَّتُهُ مَرِيضَةٌ. خَالِدٌ أَخُوهُ مُسَافِرٌ. مُحَمَّدٌ جَدُّهُ شَيْخٌ كَبِيرٌ. الشَّرُّ قَلِيلُهُ كَثِيرٌ. الْعَاقِلُ يَعْمَلُ لِمَا بَعْدَ الْمَوْتِ. الْعُمْرُ يَنْقُصُ كُلَّ لَحْظَةٍ. سِيرَةُ الْعَرَبِ تُنْبِئُ عَنِ سِرِّيَّتِهِ. التَّلْمِيذَانِ مُؤَدَّبَانِ.

**39-машқ.** Қуйидаги жумлаи феълийяларнинг остига бир чизиқ, жумлаи исмийяларнинг остига икки чизиқ чизиб ажратинг:

الْكِتَابُ نَدِيمُ الْعَالِمِ. يُخْتَرُمُ الشُّيُوخُ. لِسَانُ الْجَاهِلِ مِفْتَاحُ حَنْفِهِ. نَامَتِ الْعُيُونُ. يَبِيعَتِ الْأَرْضَى. تُدْبِحُ الشَّأَةُ. حُسْنُ الْأَدَبِ يَسْتُرُ فَيْحَ النَّسَبِ. الذَّهَبُ لَا يَصْدَأُ. الْعَجَلَةُ أُخْتُ النَّدَامَةِ. بَعْضُ الْكَلَامِ أَقْطَعُ مِنَ السِّيفِ. كَلَامُ الْمُلُوكِ مَلُوكُ الْكَلَامِ. حُصِدَ الرَّزْغُ. كَثُرَتِ النَّوْمُ تُفْسِدُ الصِّحَّةَ.

**40-машқ.** Қуйидаги калималарни мубтадо қилиб, кичик жумлалар тузинг.

الْجُهْلُ، عَبْدُ اللَّهِ، الْكَلْبُ، التَّقَاحُ، الْبَابُ، السِّكِّينُ، الدِّيكُ، الْكُرَّاسُ، الْقَلَمُ.

**41-машқ.** жумлаи хабарлар ва шибх жумлаларни ажратинг:

أَدَاءُ الدِّينِ مِنَ الدِّينِ. عُمُرُ الْإِنْسَانِ يَمُرُّ بِالتَّدْرِيجِ. دَوَامُ السُّرُورِ بِرُؤْيَةِ الْإِخْوَانِ. قَلِيلُ الْحَقِّ يَدْفَعُ كَثِيرَ الْبَاطِلِ. الْهَلَالُ بَيْنَ السَّحَابِ. التَّمَرُ عَلَى الشَّجَرِ. حَمُوكَ عِلْمُهُ وَاسِعٌ. الْجَنَّةُ تَحْتَ أَقْدَامِ الْأَمَهَاتِ. مُحَمَّدٌ مُعَلِّمُهُ عَامٌ. مُحَمَّدٌ أَخُوهُ دُومَالٌ.



## معاني الكلمات : Сўзларнинг маънолари

айтувчиси	قَائِلُهُ	нажот топади	بَحَى، يَنْجُو، أَنْج
кўйдирувчи	مُخْرِقَةٌ	тарозу	مِيزَانٌ
қалби, кўкси	صَدْرٌ، (صُدُورٌ)	чиқувчи	طَالِعَةٌ
камаяди	نَقَصَ، يَنْقُصُ، أَنْقَضَ	сирининг сандиқлари	صُنْدُوقٌ سِرِّيهِ
лаҳза	لِحْظَةٌ	барчаси	كُلُّهُ
хабар беради	تُنَبِّئُ	хулқ-атвори	سِيرَةٌ
улфат	نَدِيمٌ	ички қисми	سِرِّيْرَةٌ
ўлим	حَنْفٌ	хурмат қилинади	يُحْتَرَمُ
сотилинди	بِيعَتْ	ухлади	نَامَتْ
қўй	الشَّاءُ	сўйилади	تُدْبَحُ
насабнинг хунуклиги	قُبْحُ النَّسَبِ	сатр қилиб тўсди	سَتَرَ، يَسْتُرُ، أُسْتُرَ
зангламайди	لَا يَصْدَأُ	олтин	الذَّهَبُ
кесувчироқ	أَقْطَعُ	шошилиш	العَجَلَةُ
подшоҳ	مَلِكٌ، (مُلُوكٌ)	қилич	السَّيْفُ
бузади	تُفْسِدُ	йиғилади	حُصِدَ
дин	الدِّينُ	қарз	الدَّيْنُ
тадрижий	بِالتَّدرِيجِ	ўтди	مَرًّا، يَمُرُّ، مَرَّ
кўриш билан	بِرُؤْيَةٍ	шодликнинг давом этиши	دَوَامُ السُّرُورِ
дафъ этади	دَفَعَ، يَدْفَعُ، إِدْفَعُ	биродарлар	الإِخْوَانُ
булут	سَحَابٌ، (سُحُبٌ)	янги чиққан ой	هِلَالٌ، (أَهْلَةٌ)
	حُمُوكَ	мева	الثَّمَرُ
она	أُمٌّ، (أُمَّهَاتٌ)	кадам	قَدَمٌ، (أَقْدَامٌ)
мол-дунё эгаси	دُومَالٍ	унинг акаси	أَخُوهُ

## 15-§

اسم كان وأخواتها

## КАНА ВА УНИНГ АХАВОТИНИНГ ИСМИ

43. кан мубтадо билан хабарга кириб, хабарни мансуб (фатҳа) қиладиган феълдир.

كَانَ الْبِرُّ شَدِيدًا каби.

**Маъноси:** “Совуқ қаттиқ бўлди”.

Бу жумла كَانَ кирмасидан аввал الْبِرُّ شَدِيدًا кўринишида эди. كَانَ киргач, хабар мансуб бўлиб, كَانَ الْبِرُّ شَدِيدًا кўринишида бўлди.

44. كَانَ нинг (29-рақамли қоидадаги) ахавотлари яъни, издошлари ҳам хабарни мансубли қилади.

كَابِي. أَصْبَحَ الصَّدِيقُ مَرِيضًا، لَيْسَ الظَّالِمُ مَحْبُوبًا

Булар أَصْبَحَ билан لَيْسَ кирмасдан аввал الظَّالِمُ مَحْبُوبٌ، الصَّدِيقُ مَرِيضٌ، кўринишида эди.

45. كَانَ кирган жумладаги мубтадо كَانَ нинг исми, хабар эса كَانَ нинг хабари, деб аталади.

46. Кана ва ахавотининг музореълари ва амрлари ҳамма сийғалари билан мозийнинг барча сийғалари каби амал қилади.

كَابِي. يَكُونُ الْمُجْتَهِدُ مَحْبُوبًا، كُنْ مُؤَدَّبًا، قَدْ يُصْبِحُ الْفَقِيرُ غَنِيًّا، كُنُوا مُجْتَهِدِينَ

**1-танбех:** كَانَ маъносида келлади. أَصْبَحَ، أَضْحَى، ظَلَّ، بَاتَ، أَمْسَى، صَارَ

**2-танбех:** Кана ва ахавотини أَفْعَالُ النَّاقِصَةِ «ноқис феъллар» деб юритилади.

**“Кана”нинг издошлари қуйидагилардир:**

كَانَ – бўлди

صَارَ – айланди

أَصْبَحَ – эрталаб бўлди

أَضْحَى – чошгоҳда бўлди

ظَلَّ – кун бўйи давом этди

أَمْسَى – кечқурун бўлди

بَاتَ – тунади

مازَال، ما بَرِحَ، ما انْفَلَكَ، ما فَتِيَ – узлуксиз давом этди

ما دَامَ – модомики

ليس – эмас

**42-машқ.** «Кана ва ахавоти»нинг исмлари билан хабарлари орасини ажратинг:

ما فَتِيَ الْمَاءُ بَارِدًا. أَصْبَحْتَ رَاكِبًا. أَضْحَتِ الدَّارُ عَامِرَةً. يَظَلُّ الْمُجْتَهِدُ مَمْدُوحًا. صَارَ الْبَيْتُ مَحْرُوقًا. لَيْسَ الْعَالَمُ بَاقِيًا. أَصْبَحَ السَّارِقُ مَأْخُودًا. كَانَ الْمَرَضُ شَدِيدًا. مَا كَانَ كَلَامُهُ حَسَنًا. لَا تَكُنْ غَيْرَ مُؤَدَّبٍ. أَصْبَحَتِ الرَّهْرَهُ يَابِسَةً. لَا يَكُونُ

المُجْتَهِدُ مَمْنُونًا. أَحْسِنَ مَا دُمْتَ حَيًّا. مَا انْفَكَّتِ الْعُقُولُ مُخْتَلِفَةً كَاخْتِلَافِ الْوُجُوهِ. يَبِيْتُ الْقَانِعُ شَاكِرًا. لَا يَزَالُ اللَّهُ رَحِيمًا. لَا يَفْتَأُ الْكَرِيمُ مَحْبُوبًا. لَيْسَ الْعَالَمُ وَالْجَاهِلُ سَوَاءً. أَضْحَى أَخُوكَ نَائِمًا. مَنْ لَمْ يَكُنْ فِي أَمْرِهِ مُتَتَبِّيًا لَمْ يَزَلْ نَادِمًا فَيَمْسِي أَسِيفًا وَيُصْبِحُ مَكْرُوبًا. أُجِبْكَ مَا دُمْتَ مُجْتَهِدًا. صِرْتَ مُؤَدَّبًا. مَا بَرِحَتِ الرِّيَاحُ عَاصِفَةً.

**43-машқ. 42-машқдаги жумлалардан афъоли ноқисани ташлаб тўғри айтиб ўқинг.**

(Ушбу тарика ...الماءُ باردٌ، أنتَ رَكِيبٌ)

**44-машқ. Қуйидаги жумлаларни эъробланг:**

(Ушбу тарика: кан афъоли ноқиса, феъли мозий, фатҳага биноан мабний, фатҳаси зоҳир, марфуъ лафзан каннинг исми, معتدلاً мансуб, лафзан каннинг хабаридир.

انت افъоли ноқиса, музореъ, манфий, марфуъ, даммаси зоҳир, остидаги марфуъ маҳаллан бўлиб, унинг исми تَلَعُبُ феъли музореъ, марфуъ, даммаси зоҳир бўлиб, остидаги انت марфуъ, маҳаллан бўлиб, унинг фоълидир. تلعبُ жумласи маҳаллан насбда бўлиб لا تفتأ га хабар бўлади...)

كانَ الْجُوُّ مُعْتَدِلًا. لَا تَفْتَأُ تَلَعَبُ. أَصْبَحْتَ مَرِيضًا. لَا يَزَالُ الْمُجْتَهِدُ مَحْبُوبًا. لَيْسَ مُحَمَّدٌ بِحَيْلًا. صِرْتَ عَالِمًا. لَا تَكُنْ كَسَلَانَ. مَا انْفَكَّتِ الشَّرِيرُ حَقِيرًا.

**معاني الكلمات: Сўзларнинг маънолари**

обод	عَامِرَةٌ	минган	رَاكِبًا
сахий	جَوَادًا	мақталган	مَمْدُوحًا
Боқий қолган	بَاقِيًا	ёнган	مَحْرُوقًا
ушланган	مَأْخُودًا	ўғри	السَّارِقُ
қуриган	يَابِسَةً	гулчечак	الرَّهْرُهُ
Модомики бўлсанг	مَا دُمْتَ	нафратланиладиган	مَمْنُونًا
ақл	عَقْلٌ (عُقُولٌ)	тирик	حَيًّا
тунади	بَاتَ، يَبِيْتُ، بَتَّ	Ҳар-турлик	مُخْتَلِفَةً
Сахийнинг яхши кўрилиши бардавом бўлади	لَا يَفْتَأُ	Қаноат қилувчи	القَانِعُ
Эҳтиёткорлик билан иш кўрмоқ	مُتَتَبِّيًا	баробар	سَوَاءً
ғамгин	مَكْرُوبًا	афсус	أَسِيفًا
шамол	الرِّيحُ	айландинг	صِرْتَ
мўътадил	مُعْتَدِلًا	бўрон	عَاصِفَةً
Паст, ҳақир	حَقِيرًا	ёмон	الشَّرِيرُ

## 16-§

خبر إنّ وأخواتها

## ИННА ВА АХАВОТИНИНГ ХАБАРИ

47. 47. إنّ мубтадо билан хабарга кириб, мубтадони мансуб қиладиган ҳарфдир.  
каби. إنّ مُحَمَّدًا مُّجْتَهِدٌ

**Маъноси:** “Ҳақиқатда Муҳаммад тиришқоқдир”.

Бу жумла إنّ кирмасдан аввал مُحَمَّدٌ مُّجْتَهِدٌ кўринишида эди. إنّ киргач, мубтадо мансуб бўлиб, إنّ مُحَمَّدًا مُّجْتَهِدٌ кўринишини олган.

48. إنّ нинг (30-рақамдаги) ахавотлари яъни, издошлари ҳам мубтадони мансуб қилади. كَابِي عَائِدَ الشَّبَابِ لَيْتَ أُنَّ عَلِمْتُ أَنَّ فَرِيْدًا مُّؤَدَّبٌ، لَيْتَ الشَّبَابِ عَائِدَ. Булар أَنَّ билан كَابِي кирмасдан аввал فَرِيْدًا مُّؤَدَّبٌ، الشَّبَابِ عَائِدَ кўринишида эди.

49. إنّ ва ахавоти кирган жумладаги мубтадо إنّ нинг исми, хабар إنّ нинг хабари, деб айтилади.

**1. Танбех:** إنّ ва ахавоти феълга ўхшаган ҳарфлар бўлганидан

«حُرُوفٌ مُّشَبَّهَةٌ بِالْفِعْلِ» (Феълга ўхшаган ҳарфлар) деб аталади.

**“Инна”нинг издошлари қуйидагилардир:**

إنّ-ҳақиқатда, албатта

أنّ-ки

كأنّ -каби,

لكيّ -лекин,

ليت -кошки,

لعلّ -шоядки

Агар أنّ сўз бошланишида ёки قول сўзидан кейин ёки қасамдан кейин ёки хабари “лом” билан бирга келса إنّ деб қасра билан ўқилади. Масалан:

1. إنّ زَيْدًا قَائِمٌ. Бу ерда إنّ ни алифини қасра ўқилди, чунки у сўз бошида келмоқда.

2. قُلْتُ إنّ زَيْدًا قَائِمٌ. Бу ерда ҳам إنّ ни алифини қасра билан ўқилди, чунки у قول сўзидан кейин келмоқда.

3. وَاللَّهِ إِنَّ زَيْدًا قَائِمٌ. Бу ерда ҳам **إِنَّ** ни алифини касра ўқилди, чунки у қасамдан кейин келмоқда.

4. عَلِمْتُ إِنَّ زَيْدًا لَقَائِمٌ. Бу ерда ҳам **إِنَّ** ни алифини касра ўқилди, чунки унинг хабари лом билан келмоқда.

**Бордию **أَنَّ**, жумланинг ўртасида ёки **الْعِلْمِ** ёки **الظَّنِّ** ёки **الشَّهَادَةِ** феълларидан кейин келса, унинг алифини фатҳа қилиб ўқилади. Масалан:**

1. بُلَيْبٌ، بُوَ عَرْدًا سُوْزْنِيْغِ اُورْتАСИДА КЕЛГАН. **أَنَّ** زَيْدًا قَائِمٌ.
2. بُلَيْبٌ، بُوَ عَرْدًا عَلِمَ فَعْلِيدَانِ كЕЙИН КЕЛГАН. **أَنَّ** زَيْدًا قَائِمٌ.
3. بُلَيْبٌ، بُوَ عَرْدًا ظَنَّ فَعْلِيدَانِ كЕЙИН КЕЛГАН. **أَنَّ** عَمْرًا دَاهِبٌ.
4. بُلَيْبٌ، بُوَ عَرْدًا شَهِدَ فَعْلِيدَانِ كЕЙИН КЕЛГАН. **أَنَّ** الْجَنَّةَ حَقٌّ.

**45-машқ. Қуйидаги жумлалардаги **إِنَّ** ва ахавотининг исмларини ва хабарларини ажратинг:**

مُحَمَّدٌ شَجَاعٌ لَكِنَّ أَبَاهُ جَبَانٌ. لَعَلَّ الْعَائِبَ قَادِمٌ. لَيْتَ الشُّرُورَ يَدُومُ. كَأَنَّ الْجَهْلَ مَوْتُ. أَنْتَ مُجْتَهِدٌ وَلَكِنَّ أَخَاكَ كَسَلَانٌ. إِنَّ وَضَعَ الْإِحْسَانَ فِي غَيْرِ مَوْضِعِهِ إِسَاءَةٌ. عَلِمْتُ أَنَّكَ صَادِقٌ. إِنَّ الْوَفَاءَ طَبِيعَةُ الْأَحْرَارِ. إِنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ. قَالَ لِي عَبْدُ اللَّهِ. إِنَّا أَعْطَيْنَاكَ الْكُوْثُرَ. إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ. إِنَّكَ قَدْ أَكْرَمْتَنَا فَوْقَ مَا نَسْتَحِقُّ. لَعَلَّ أَبَاكَ حَاضِرٌ. لَيْتَ ابْنَكَ عَامٌ.

**46-машқ. Қуйидаги жумлалардаги **كَانَ** ва ахавотининг исмини ва хабарини ҳамда **إِنَّ** ва ахавотининг исмини ва хабарини ажратиб ёзинг:**

لَمَّا حَضَرَتْ عَبْدَ الْمَلِكِ بِنُ مَرْوَانَ الْوَفَاءُ قَالَ وَهُوَ يَعْغِي الدُّنْيَا: إِنَّ طَوْبَكَ لَقَصِيرٌ، وَإِنَّ كَثِيرَكَ لَقَلِيلٌ. قَالَ مُغِيرَةُ بْنُ شُعْبَةَ: كَانَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ أَفْضَلَ مِنْ أَنْ يُخَدَعَ وَأَعْقَلَ مِنْ أَنْ يُخَدَعَ. نَظَرَ رَجُلٌ إِلَى مُعَاوِيَةَ بْنِ أَبِي سُفْيَانَ وَهُوَ غُلَامٌ صَغِيرٌ، فَقَالَ: إِنِّي أَظُنُّ أَنَّ هَذَا الْغُلَامَ سَيَسُوْدُ قَوْمَهُ. فَقَالَتْ هِنْدٌ تَكَلِّمُهُ إِنْ كَانَ لَا يَسُوْدُ إِلَّا قَوْمَهُ.

سَقَامُ الْحَرِيصِ لَيْسَ لَهُ دَوَاءٌ، وَدَاءُ الْجَهْلِ لَيْسَ لَهُ طَبِيبٌ.

قَالَ عَبْدُ الْمَلِكِ بْنُ مَرْوَانَ لِيَبِيهِ: يَا بَنِيَّ! تَعَلَّمُوا الْعِلْمَ، فَإِنَّ اسْتَعْنَيْتُمْ كَانَ لَكُمْ جَمَالًا، وَإِنْ افْتَقَرْتُمْ كَانَ لَكُمْ مَالًا. وَالْعِلْمُ يَرْفَعُ أَقْوَامًا بِلَا حَسَبٍ فَكَيْفَ مَنْ كَانَ ذَا عِلْمٍ لَهُ حَسَبٌ. لَعَلَّ لَهُ غُدْرًا وَأَنْتَ تَلُومُ، وَكَمْ لَائِمٌ قَدْ لَامَ وَهُوَ مَلُومٌ. إِنَّ مُحَمَّدًا رَسُوْلُ اللَّهِ. قَالَ خَطِيبٌ مِنَ الْخَطْبَاءِ حِينَ قَامَ عَلَى سَرِيْرِ الْإِسْكَانْدَرِ وَهُوَ مَيِّتِ الْإِسْكَانْدَرِ: كَانَ أَمْسٍ أَنْطَقَ مِنْهُ الْيَوْمَ وَهُوَ الْيَوْمَ أَوْعَظَ مِنْهُ أَمْسٍ. أَلَا لَيْتَ الشَّابَّ يَعُوْدُ يَوْمًا فَأُخْبِرُهُ بِمَا فَعَلَ الْمَشِيْبُ.

**47-машқ. Қуйидаги жумлаларни эъроблангиз.**

(Ушбу тарика: إِنَّ хуруфу мушаббахатун билфеъл العالم мансуб лафзан нинг исми, مَكْرَمٌ марфуъ лафзан إِنَّ нинг хабари.

لَعَلَّ хуруфу мушаббахатун билфеъл, كَ замир, фатҳага биноан мабний, фатҳаси зоҳир бўлиб, маҳаллан насбдадир. ترجع феъли музореъ, марфуъ, даммаси зоҳир бўлиб, остидаги أَنْت маҳаллан рафъда бўлиб, фоъилдир ترجع жумласи маҳаллан рафъда бўлиб لَعَلَّга хабар бўлади...)

إِنَّ الْعَالَمَ مُكْرَمٌ. لَعَلَّكَ تَرْجِعُ، كَأَنَّ الْعِلْمَ نُورٌ. لَيْتَنِي مِثُّ. إِنَّكُمَا مَجْتَهِدَانِ. إِنَّكُنَّ مُؤَدَّبَاتٌ. إِنَّهُمُ غَافِلُونَ. كَأَنَّتَا أُسُودٌ.

### مَعَانِي الْكَلِمَاتِ: Сўзларнинг маънолари

кўрқоқ	حَبَانٌ	шижоатли	شُجَاعٌ
хурсандлик	السُّرُورُ	Ҳозир бўлмаган, йўқ бўлган	الغَائِبُ
Ўрни бўлмаган жойга	فِي غَيْرِ مَوْضِعِهِ	Қўйиш, бажариш	وَضَعٌ
Эркин, хур кишилар табиати	طَبِيعَةُ الْأَحْرَارِ	ёмонлик	إِسَاءَةٌ
Ҳавзи кавсар	الكَوْتَرُ	Сизга бердик	أَعْطَيْنَاكَ
Ўлими ҳақида хабар берди	بِعْنِي	Ҳаққингиздан юқори нарса	فَوْقَ مَا نَسْتَحِقُّ
ақлли	أَعْقَلُ	алдамоқдан	مِنْ أَنْ يُخَدَعَ
Кичик болакай	غُلَامٌ صَغِيرٌ	алданмоқдан	أَنْ يُخَدَعَ
Боласиз қолайин	تَكَلِّفُهُ	бошқаради	سَيَسُوذُ
Очкўз, ҳарис	الْحَرِصِ	Касаллиги, иллати	سَقَامٌ
дард	دَاءٌ	даво	دَوَاءٌ
Фақир бўлсанглар	اِفْتَقَرْتُمْ	Беҳожат бўлсанглар	اسْتَعْنَيْتُمْ
Сен маломат қиласан	وَأَنْتَ تَلُومُ	Насл-насабсиз	بِلا حَسَبٍ
Маломат қилди	لَامَ	Маломат қилувчи	لَائِمٌ
каравот	سَرِيرِ	У ўзи маломат қилинган	وَهُوَ مُلُومٌ
Ваъз насихат олинувчироқ	أَوْعَظُ	Нутқ қилувчироқ	أَنْطَقُ
қайтса	يَعُودُ	ёшлик	الشَّبَابُ
шерлар	أَسَدٌ، (أُسُودٌ)	қарилар	الْمَشِيْبُ

# منصوبات

## 17-§

محال نصب الإسم

### ИСМНИНГ НАСБ ЎРИНЛАРИ

50. Исм ўн бир ўринда мансуб бўлади.

- 1) Мафъулум бих.
- 2) Мафъулум мутлақ.
- 3) Мафъулул лиажлиҳи.
- 4) Мафъулум фийҳ.
- 5) Мафъулум маъаҳ.

- 6) Мустасно.
- 7) Ҳол.
- 8) Тамйиз.
- 9) Мунодо.
- 10) Кана ва ахавотининг хабари.
- 11) Инна ва ахавотининг исми.

**Танбех:** Тавобеъ яъни, эргашувчилар билан 12 хил бўлади.

**48-машқ.** *Исм неча ўринда, қайси ўринларда марфуъ бўлиши ҳамда неча ўринда ва қайси ўринларда мансуб бўлишини батафсил сўзланг.*

**49-машқ.** *«Кана» ва ахавотларини ҳамда «инна» ва ахавотларини тартиб билан сўзлаб чиқинг.*

## 18-§

مفعول به

### МАФЪУЛУМ БИХ

51. Мафъулум бих – фоъилнинг феъли уни устида бажарилган кишини ёки нарсани кўрсатган исмдир. Яна ҳам аниқроғи, бажарилмиш иш “мафъулум бих” бўлади.

كَسَرَ سَلِيمَ الْقَلَمِ دِغَانْدَاغِي كَابِي. ضَرَبَ مُحَمَّدٌ فَرِيدًا،

**Маъноси:** *Муҳаммад Фаридни урди, Салим қаламни синдирди.*

Мана бу мисолларнинг аввалгисида Фариднинг бошига Муҳаммаднинг ургани тушяпти. Кейингисида қаламга Салимнинг синдириши тушяпти. Шунинг учун *فَرِيدًا* билан *الْقَلَمِ* сўзлари бажарилмиш бўлгани учун «мафъулум бих»дир.

52. Мафъулум бих фоъил каби муфрадда, тасниядда, жамъда, музаккарда, муаннасада, исми зоҳирда, исми замирда бўлади.

قَرَأْتُ الْكِتَابَ، قَرَأْتُ الْكِتَابَيْنِ، قَرَأْتُ الْكُتُبَ، فَهَمْتُ الْمَسْأَلَةَ، ضَرَبْتُكَ.

**Маъноси:** *Китобни ўқидим, икки китобни ўқидим, китобларни ўқидим, масалани тушундим, сени урдим.*

53. Бир феълнинг бирдан бошлаб, учтагача мафъули бўлиши мумкин.



каби. كَسَرْتُ الْقَلَمَ، أَعْطَيْتُ التَّلْمِيذَ جَائِزَةً، أَعْلَمْتُكَ مُحَمَّدًا مُجْتَهِدًا

**Маъноси:** Қаламни синдирдим, ўқувчига мукофотни бердим, Муҳаммадни фаол эканини, сенга билдирдим.

Мана бу феъллардан аввалгиси битта мафъул, иккинчисида иккита мафъул, учинчисида учта мафъул бўлган.

**1-танбех:** Мафъулум биҳ билан ноиби фоъил орасида фарқ қуйидагичадир. Мафъулум биҳ маълум феъл кетидан келиб, ҳам мансуб бўлади. Ноиби фоъил эса, мажхул феъл кетидан келиб, марфуъ бўлади.

**2-танбех:** Бир мафъулни насбли қиладиган феъллар кўп бўлса-да, икки мафъулни насбли қиладиган феъллар жуда оздир. Уч мафъулни насбли қиладиган феъллар эса жуда ҳам оздир. Яъни, бир нечтагинадир.

**3-танбех:** Мафъулум биҳ кўпроқ фоъилдан сўнг келади. Баъзи вақтларда фоъилдан аввал ҳам келади. *كَبِيَ الْبَيْتِ ابْرَاهِيمُ*.

**Маъноси:** *Иброҳим уйни қурди.*

Мафъулум биҳ умуман феълдан кейин келади. Баъзи вақтларда эса бирор мақсадни кўзлаб, феълдан олдин ҳам келади. *كَبِيَ إِيَّاكَ نَعْبُدُ* каби.

“Кимни? Нимани? Кимга? Нимага? Кимдан? Нимадан? Сўроқлари орқали мафъулум биҳни билиш мумкин.

**50-машқ.** Қуйидаги мафъулум биҳларни муфрадини алоҳида, жамъини эса алоҳида қилиб, ажратинг.

الإحسانُ يُقَطِّعُ اللِّسَانَ. أَدُّكُرُ نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكَ. يَا رَجُلُ، أَدَّبَ أَوْلَادَكَ تَنَفُّعَهُمْ. قَدْ يَجْمَعُ الْمَالَ غَيْرَ آكِلِهِ. أَفْقَلَتِ الْحَادِمَةُ الْأَبْوَابَ وَفَتَحَتِ الشُّبَّابِيكَ. قَرَأْنَا الْكِتَابَ وَفَهَمْنَا الْقِصَّةَ وَشَرَحْنَا الْكَلِمَاتِ الْغَامِضَةَ. إِخْتَرِمُ أَبَاكَ وَأَخِيْبَ أَخَاكَ. كَسَرْتُ فَاطِمَةَ الْمُحْبِرَةَ. جَالِسِ الْعُلَمَاءَ وَتَجَنَّبِ الْجُهْلَاءَ. رَأَيْتُ عَالِمِينَ. ضَرَبَتِ الْمَعْلَمَةُ تَلْمِيذَتَيْنِ. رَأَيْتُمْ مُعَلِّمَاتٍ. إِخْتَرِمُ أَسْتَاذَكَ وَاشْكُرْهُ. إِنَّ الَّذِي يَعْظُ النَّاسَ وَيَنْسَى نَفْسَهُ كَالْمُصْبَاحِ يُحْرِقُ نَفْسَهُ وَيُضِيءُ لِعَيْرِهِ. قَالَ عَلِيُّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: الْعِلْمُ ضَالَّةٌ الْمُؤْمِنِ فَخُذُوهُ وَلَوْ مِنْ أَيْدِي الْمُشْرِكِينَ وَلَا يَأْتِفُ أَحَدُكُمْ أَنْ يَأْخُذَ الْحِكْمَةَ مِمَّنْ سَبَعَهَا مِنْهُ.

**51-машқ.** Қуйидаги феъллардан бир мафъулни насбли қилганга 1 рақам, икки мафъулни насбли қилганга 2 рақам қўйинг. Ҳамда мафъулларни остига бир чизиқ чизинг.

سَأَلْتُهُ قَلَمًا فَلَمْ يُعْطِنِي إِيَّاهُ. إِفْرَأُ تَوَارِيحَ الْأَقْدَمِينَ. ظَنَنْتُ السَّحَابَ مُمَطَّرًا. لَا أَرَى لِهَذَا الْإِعْتِذَارِ مَحَلًّا. إِصْنَعِ الْحُسْنَائِ وَاتْرِكِ السِّفَاةَ. مَنْ لَمْ يَرْكَبِ الْأَهْوَالَ لَمْ يَنْلِ الرِّغَائِبَ. أَلْبَسْتُ ابْنَكَ لِيَاسًا جَمِيلاً. ضَرَبْتُ أَخَاكَ لِسُوءِ أَدَبِهِ. صَبَّرْتُ الْعَدُوَّ صَدِيقًا. قَرَأْتُ دِيوَانَ الْبُحْتَرِيِّ. عَلَّمْتُ أَخَاكَ الْحِسَابَ. مَنَحَتِ الْمَعْلَمَةُ التَّلْمِيذَةَ الْمُحْتَدَةَ جَائِزَةً كُبْرَى. يَظُنُّ الْأَحْوَالَ الْوَاحِدَ اثْنَيْنِ. حَسِبْتُ حَمَّاكَ شُجَاعًا. كَسَوْتُ الْمُصْحَفَ حَرِيرًا. الْبَسْتُ الْفَقِيرَ ثَوْبًا. فَلَا تَحْسَبَنَّ اللَّهَ غَافِلًا عَمَّا يَعْمَلُ الظَّالِمُونَ. أَعْطَيْتِ السَّائِلَ دِرْهَمًا. تَعَلَّمُونَ الْفِرَاقَ مُرًّا. إِنَّ اللَّهَ. مَنْ اسْتَشَارَ الْعَاقِلَ نَالَ مَقْصُودَهُ. لَا يَرَى الْمَرْءُ غُيُوبَ نَفْسِهِ. قَالَ الْفَضْلُ بْنُ عَيْسَى الرَّقَّاشِيُّ الْحَطِيبُ الشَّهِيرُ: سَلِ الْأَرْضَ فَعَلَّ، مَنْ شَقَّ أَنْهَارَكَ وَعَرَسَ أَشْحَارَكَ وَجَنَى ثَمَارَكَ، فَإِنْ لَمْ تُجْنِكَ جَوَارًا أَجَانَبَكَ اغْتَبَارًا.

**52-машқ. Қуйидаги жумлалардаги фоъил, ноиби фоъил, мафъулум бихларни кўрсатинг.**

رَأَيْتُ النَّاسَ لَمَّا قَلَّ مَالِي وَأَكْثَرْتُ الْعَرَامَةَ وَدَعَوْنِي  
فَلَمَّا أَنْ عَنَيْتُ وَتَابَ وَفَرَى إِذَا هُمْ لَا ابْلَكَ رَاجِعُونِي.

إشترى رجلٌ من رجلٍ دارًا، فقال لصاحبه: لو صبرت لاشتريت منك الدارَ بعشرة دنانير. فقال: وأنت لو صبرت لبعثتك الدارَ بدرهم.

دَخَلَ عَلِيٌّ بِنُ أَبِي طَالِبٍ الْمَقَابِرَ، فَقَالَ: أَمَا الْمَنَازِلُ فَقَدْ سَكِنَتْ، وَأَمَا الْأَمْوَالُ فَقَدْ قُسِمَتْ، وَأَمَا الْأَزْوَاجُ فَقَدْ نُكِحَتْ، فَهَذَا خَيْرٌ مَا عِنْدَنَا فَمَا خَيْرٌ مَا عِنْدَكُمْ؟

عِظْ نَفْسَكَ فَإِنْ اتَّعَطْتَ فَعِظِ النَّاسَ. لَا يَعْرِفُ قَدْرَ الْعُلَمَاءِ كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ. الْكَسَلُ يَقُودُ صَاحِبَهُ إِلَى النَّدَامَةِ. اتَّقُوا يَوْمًا يَجْعَلُ الْوَلَدَانَ شِيبًا. إِنَّا أَعْطَيْنَاكَ الْكُوْنُتَرَ. اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ.

**53-машқ. Қуйидаги фоъил билан мафъулум бихнинг олдига муносиб феъллар келтириб, кичкина жумлалар тартиб этинг.**

محمودُ الدَّرَسِ. المعلمُ فريدًا مجتهدًا. الخادِمُ الباب. أبوكَ فَرَسَهُ. العَيُّ العريانَ ثوبًا. التلميذُ المجتهدُ جائزَةً. الفلاحُ الزرعَ. الخادِمَةُ المصنَّبُح. أبي السائلِ درهماً. التلميذُ القلمَ. المعلمةُ التلميذةَ. الأبناءُ آباءَهُمْ. أحييَ الحمارَ.

**54-машқ. Қуйидаги жумлаларни эъробланг.**

(Ушбу тарика: *بَرَى* феъли мозий, фатҳаи муқаддарага мабний талмид лафзан марфуъ *بَرَى* га фоъил *الْقَلَمَ* мансуб лафзан *بَرَى* га мафъулум бих.)

أعطى феъли мозий сукунга биноан мабний, *ت* замир, даммага мабний, маҳаллан марфуъ бўлиб, *أعطى* га фоъил. *ك* замир, фатҳага биноан мабний, маҳаллан насбда бўлиб, *أعطى* га биринчи мафъул. *كتابًا* лафзан мансуб бўлиб, *أعطى* га иккинчи мафъул.)

بَرَى التِّلْمِيذُ الْقَلَمَ. أَعْطَيْتُكَ كِتَابًا. مُحَمَّدٌ يَبْرِي قَلَمَهُ. ظَنَنْتُكَ غَائِبًا. قَرَأْنَا الْكُتُبَ. يَعْوِي الذِّئْبُ. يَتَعَدَّى التِّلْمِيذُ. افْتَحُوا الشُّبَايِيكَ. أَكْرَمْنَاكُمْ.

**معاني الكلمات: Сўзларнинг маънолари:**

Устингдаги, сендаги	عَلَيْكَ	Хайри-эхсон	الإحسانُ
Гоҳида тўплайди	قَدْ يَجْمَعُ	Одоб берди	أَدَّبَ، يُؤَدِّبُ، أَدَّبَ
қулфлади	أَقْفَلْتُ	емайдиганлар	غَيْرُ أَكِلِهِ
дераза	شُبَّانِكُ، (شُبَّانِيكَ)	эшик	بَابٌ، (أَبْوَابٌ)
Ҳурмат қилди	إِحْتَرَمَ، يَحْتَرِمُ، إِحْتَرَمَ	Гунушарсиз, жумбоқ	الغامضة

сиёҳдон	الْمَحْبِرَةُ	Яхши кўр	أَحْبَبَ
четлашди	بَحَّتَبَ، يَتَحَنَّبُ، بَحَّتَبَ	ўтирди	جَالَسَ، يُجَالِسُ، جَالِسٌ
Ваъз, насиҳат	وَعَظَ، يَعِظُ، عِظٌ	Жоҳил, нодон	جَاهِلٌ، (جُهْلَاءُ)
кўйдирди	أَحْرَقَ، يُحْرِقُ، أَحْرَقَ	Унутди	نَسِيَ، يَنْسَى، انْسَى
Йўқотган нарса	ضَالَّةٌ	Нур сочди	أَضَاءَ، يُضِيءُ، أَضِيءُ
Қадимгилар	الْأَقْدَمِيْنَ	Ҳазар қилмасин	لَا يَأْتَفُ
Узр сўраш	الإِعْتِذَارُ	булут	سَحَابٌ، (سُحُبٌ)
Яхшиликлар	الْحَسَنَاتُ	ўрин	مَحَلًّا
кўркинч	هُوْلٌ، (أَهْوَالٌ)	Ёмонликлар	السِّيْفَاتُ
рағбатли	رَغْبَةٌ، (رَغَائِبٌ)	Эриша олмайди	لَمْ يَنْلُ
Одобининг ёмонлиги учун	لِسُوءِ آدَبِهِ	Кийдинг	أَلْبَسَتْ
Шоир Бухтарийнинг девони	ديوانُ الْبُخْتَرِيِّ	айлангирдим	صَيَّرْتُ
Катта мукофот	جَائِزَةٌ كُبْرَى	берди	مَنَحَتْ
ғилай	الأخْوَالُ	Гумон қилди	ظَنَّ، يَظُنُّ، ظَنَّ
Ботир, кўркмас	شُجَاعٌ	қайнотанг	حَمَاكٌ
Қуръон	المُصْحَفُ	кийдирдим	كَسَوْتُ
тиланчи	السَّائِلُ	Ўйламагин	فَلَا تَحْسَبَنَّ
аччиқ	مُرًّا	ажраш	الْفِرَاقُ
етишди	نَالَ، يَنَالُ، نَالٌ	Маслаҳат қилса	اسْتَشَارَ، يَسْتَشِيرُ، اسْتَشِيرُ
Машхур хатиб	الْحُطَيْبُ الشَّهِيرُ	Ўзининг айблари	عُيُوبَ نَفْسِهِ
экди	عَرَسَ، يَغْرِسُ، إِعْرَسَ	Ёрди, очди	شَقَّ، يَشُقُّ، شَقَّ
Жавоб бермаса	لَمْ يُجِبْكَ	терди	جَحَى، يَجْحِي، أَجْحَنُ
эътибор	اعْتِبَارٌ	муҳовара	حِوَارٌ
Мен билан видолашди	وَدَّعُونِي	Жарима, қарз	العَرَامَةُ
Аҳамият бермайман	لَا أَبَالُكَ	Бойлигим қайтганида	ثَابَ وَفَوَى
Сенга сотаман	لِبَيْعَتِكَ	Бир газ ўлчов	الذَّرَاعُ
яшалди	سَكِنْتَ	мақбара	مَقْبَرَةٌ، (مَقَابِرُ)
никоҳланилди	نَكَحْتَ	Тақсим қилинди	فُسِّمَتْ
дангасалик	الكَسَالُ	Ваъз олсанг	اتَّعَظْتُ
Бизни йўллагин	اهْدِنَا	етақлайди	قَادَ، يَقُودُ، قُدَّ
яланғоч	العريان	Тўғри йўл	الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ

## 19-§

مفعول مطلق

## МАФЪУЛУМ МУТЛАҚ

таъкидлаш	كَسَرَ الحَادِمُ الرُّجَاجَةَ كَسْرًا	كَسَرَ الحَادِمُ الرُّجَاجَةَ
турининг баёни	نَامَ الوَلَدُ نَوْمًا خَفِيفًا	نَامَ الوَلَدُ
сонини	دَقَّتِ السَّاعَةُ دَقَّتَيْنِ	دَقَّتِ السَّاعَةُ

Мана юқорида икки тарафда учтадан жумла. Бу жумлалардан чап тарафда бўлганлари ўнг тарафдаги жумлаларнинг ўзи. Лекин фарқи шундаки, чап тарафдаги жумлаларда ўнг тарафдагиларга қараганда бир масдар ортиқдир. Мисол учун كَسَرَ الحَادِمُ الرُّجَاجَةَ деб айтсак, бунда гапирилаётган шиша идиш эҳтимол бутунлай синмагандир, балки ёрилгандир ёки дарз кетгандир, деб ўйлаши мумкин. Агар энди бунга كَسْرًا ни орттириб, كَسَرَ الحَادِمُ الرُّجَاجَةَ كَسْرًا десак, дарз кетган ёки ёрилгандир деб, ўйлашга ўрин қолмайди. Балки шиша идишни ҳақиқатда синганлигини билдиради.

Масалан نَامَ الوَلَدُ десак, гапирилаётган боланинг нечук ухлаганини билинмайди. У оз ухлаганми, кўп ухлаганми, чалқанча ухлаганми, ёнини босиб ухлаганми, тинч ва роҳат билан ухлаганми, кўрқиб ухлаганми, буни билинмайди. Энди бунга نَوْمًا خَفِيفًا ни зиёда қилиб نَامَ الوَلَدُ نَوْمًا خَفِيفًا десак, болани енгил ухлаганини билдиради.

Шунингдек دَقَّتِ السَّاعَةُ десак, ҳамма пайт соатнинг жиринглаганини билдиради. Неча марта жиринглагани маълум эмас. Энди бунга دَقَّتَيْنِ сўзини қўшиб, دَقَّتِ السَّاعَةُ دَقَّتَيْنِ десак, соатни икки марта жиринглагани маълум бўлади.

54. Шу тарика феълни «таъкидлаш» учун ёки «турини» баёни учун ёки «сонини» баёни учун, феъл сўнгидан келтирилган масдарга «мафъулум мутлақ», деб аталади.

55. Феъл билан мафъулум мутлақнинг моддалари (лафзлари, синоним шаклида) кўпроқ бир хил бўлади.

Мисол учун حَفِظَ مُحَمَّدٌ الدَّرْسَ حِفْظًا каби.

Маъноси: Муҳаммад дарсини бир ёдлашда ёд олди.

Мана бунда حَفِظَ феъли билан حِفْظًا масдарининг модда (ўзак)лари бир бўлган. Баъзи бир вақтда феъл билан масдар (мафъулум мутлақ) лафзлари бошқа, маънолари бир хил бўлади.

Мисол учун فَرِحَ التِّلْمِيذُ جَزَلًا каби.

Мана бу мисолда فَرِحَ феъли билан جَزَلًا масдари, лафзда бошқа, аммо маънода бир хил, яъни шод бўлди маъносидадир.

56. Баъзи вақтларда мафъулум мутлақнинг феъли ҳазф қилинади.

اصْبِرْ صَبْرًا каби. Аслида اصْبِرْ صَبْرًا тақдиридадир.

57. Кўп вақт масдар ҳазф қилиниб, унинг ўрнига сифати туради.

اجْتَهَدْتُ اجْتِهَادًا كَثِيرًا каби. Аслида اجْتَهَدْتُ كَثِيرًا тақдиридадир.

Шунингдек, масдар ўрнида кўп вақт исми ишора ҳам туради.

Масалан: قَالَ ذَلِكَ الْقَوْلُ каби.

**Маъноси:** Мана бу сўзни айтди.

Бунда ذَلِكَ мафъулум мутлақдир.

Шунингдек, масдарнинг ададини билдирган нарса масдар ўрнида туради.

Масалан: اجْتَهَدْتُ كُلَّ الاجْتِهَادِ، تَأَثَّرَ بَعْضُ التَّأَثُّرِ каби.

**Маъноси:** Баъзи таъсирланишида таъсирланди. Барча кучини ишлатиши билан ижтиҳод қилди.

Шунингдек феълнинг қайси маънода ишлатилганини кўрсатиб ҳам келади:

а) بَرَأَ اللهُ الْخَلْقَ بَرَاءً – Аллоҳ мавжудотни яратди;

بَرَأَ عُمَرُ مِنَ التُّهْمَةِ بَرَاءً – Умар туҳматдан қутулди;

بَرَأَ حِكْمَةً بُرُوءًا – Ҳикмат тузалди;

б) دَرَسْنَا دَرَسًا – Ўқидик;

دَرَسْنَا دِرَاسًا – Янчдик.

**55-машқ. Қуйидаги жумлалардаги мафъулум мутлақларни кўрсатиб чиқинг.**

فَهَمَّتْ الدَّرْسَ فَهَمًّا. يَعِيشُ الْبَحِيلُ فِي الدُّنْيَا عَيْشَ الْفُقَرَاءِ وَيُحَاسِبُ فِي الْآخِرَةِ حَسَابَ الْأَغْنِيَاءِ. تَدُورُ الْأَرْضُ دَوْرَةً وَاحِدَةً فِي الْيَوْمِ. أَبْصَرْتُ الْهَلَالَ إِبْصَارًا. اصْبِرْ صَبْرًا جَمِيلًا. يَعِيشُ خَالِدٌ مَعَ أُسْرَتِهِ عَيْشَةً رَاضِيَةً وَ يُرَبِّي أَوْلَادَهُ تَرْبِيَةً حَسَنَةً، وَإِذَا أَدْنَبَ أَحَدُهُمْ ضَرَبَهُ ضَرْبًا حَتَّى يَتُوبَ وَيَعِدَّ بِعَدَمِ الرَّجُوعِ إِلَى سَابِقِ حَالِهِ. حَلَلْتُ الْمَسْئَلَةَ حَلَلِينَ. وَلِي عَمْرُو بْنُ الْعَاصِ مِصْرٌ مَرَّتَيْنِ. أَحْسَنْتُ كُلَّ الْإِحْسَانِ. كَتَبْتُ الْمَكْتُوبَ كِتَابَةً حَسَنَةً. ضَرَبْتُ كَرِيمًا غَلَامَةً ضَرْبًا مُوجَعًا. يَدُورُ الْقَمَرُ ثَمَانِيًا وَعِشْرِينَ مَرَّةً فِي الشَّهْرِ. نَظَرْتُ إِلَى السَّائِلِ نَظْرَ الشَّفِيقِ. فَرِحْتُ فَرَحًا.

**56-машқ. Қуйидаги мафъулум мутлақлардан «таъкид» учун бўлганларининг остига бир чизик, «турини баёни» учун бўлганларга икки чизик, «сонини баёни» учун бўлганларга уч чизик чизинг.**

زَحَفَ الْجُنْدُ عَلَى الْعَدُوِّ زَحْفَتَيْنِ فِي شَهْرٍ وَاحِدٍ. رَغِبْتُمْ فِي الْمَطَالَعَةِ كُلَّ الرَّغْبَةِ. هَتَأْتِكَ فِي الْعِيدِ تَهْنِئَةً. إِذَا شِئْتَ أُيُّهَا التَّلْمِيذُ أَنْ تَكُونَ مَحْبُوبًا فَاسْلُوكَ سُلُوكَ الْمُحْتَشِدِينَ الْعُقْلَاءِ وَاتْرِكْ سَبِيلَ الْكُسَالَى الْحَمْقَى. وَقُلْ قَوْلًا سَدِيدًا. وَافْعَلْ فِعْلًا جَمِيلًا. لَا تَعْمَلْ عَمَلِ السُّفَهَاءِ. اكْتَشَفُوا مِنْ جَدِيدٍ اِكْتِشَافَاتٍ كَثِيرَةً. نَظَرْتُ نَظْرَةً وَاحِدَةً. إِنَّ اللَّهَ يُعَذِّبُ الْكَافِرِينَ عَذَابًا شَدِيدًا. أَجِئْتُكَ حَبًّا صَادِقًا. فَهَمْتُ الْمَسْئَلَةَ فَهَمًّا جَيِّدًا. لَا تَحْتَقِرْ الْفُقَرَاءَ احْتِقَارًا. اذْكُرُوا اللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا. يَبْتَسِمُ الشَّيْخُ ابْتِسَامًا خَفِيًّا. سِرْتُ سِيرًا حَثِيثًا. أُعْطِيْتُكَ أَمَالَ إِعْطَاءِ الْأَغْنِيَاءِ.

**57-маишқ. Қўйидаги хатоларни тузатиб ўқиб чиқинг-да, уни тўғрилаб, ҳаракатларини қўйиб ёзиб ва мафъулум бихнинг остига бир чизиқ, мафъулум мутлақнинг остига икки чизиқ чизинг.**

يُحْكِي أَنَّ ثَلَاثَةَ رِجَالٍ كَانُوا سَائِرُونَ فَوَجَدُوا كَنْزًا فَقَالُوا: قَدْ أَخَذَ مِنَّا الْجُوعُ مَا أَخَذَ عَظِيمًا، فَلْيَمِضْ وَاحِدٌ مِنَّا وَلْيَشْتِرِ لَنَا طَعَامًا. فَمَضَى أَحَدُهُمَا وَفِيهَا هُوَ ذَاهِبٌ قَالَ فِي نَفْسِهِ الرَّأْيُ أَنْ أَضَعَ لَهْمٌ فِي الطَّعَامِ سَمًّا لِيَأْكُلَاهُ فَيَمُوتَانِ وَانْفَرَدُ أَنَا بِالْكَنْزِ انْفِرَادًا تَامًّا. فَسَمَّ الطَّعَامَ سَمًّا. وَاتَّفَقَ الْآخَرَيْنِ عَلَى قَتْلِهِ عِنْدَ رُجُوعِهِ إِلَيْهِمْ لِيَكُونَ الْكَنْزُ هَهُمْ. فَلَمَّا عَادَ إِلَيْهِمْ بِالطَّعَامِ تَقَدَّمُوا إِلَيْهِ تَقَدُّمًا سَرِيعًا وَقَتَلُوهُ حَالًا. ثُمَّ أَكَلُوا مِنَ الطَّعَامِ الْمَسْمُومِ فَمَاتُوا أَيْضًا. وَبَقِيَ الْمَالُ بِدُونِ صَاحِبٍ.

يُحْكِي أَنَّ قَرْدًا رَأَى نَجَّارًا يَشُقُّ خَشْبَةً وَهُوَ رَاكِبٌ عَلَيْهَا. وَكَانَ كَلَّمَا شَقَّ مِنْهَا ذِرَاعًا أَدخَلَ فِيهَا وَتَدَّ فَوْقَ الْقَرْدِ يَنْظُرُ إِلَيْهِ وَقَدْ أَعْجَبَهُ ذَلِكَ. ثُمَّ إِنَّ النَّجَّارَ ذَهَبَ لِبَعْضِ حَاجَتِهِ. فَأَزَادَ الْقَرْدُ أَنْ يَفْعَلَ كَمَا فَعَلَ النَّجَّارَ. فَرَكِبَ الْخَشْبَةَ وَجَعَلَ وَجْهَهُ قِبَلَ الْوَتْدِ وَظَهْرَهُ قِبَلَ طَرْفِ الْخَشْبَةِ. فَتَدَلَّى ذَنْبُهُ فِي الشَّقِّ. ثُمَّ إِنَّهُ نَزَعَ الْوَتْدَ فَعَصَرَ الشَّقَّ ذَنْبَهُ عَصْرًا. فَأَخَذَ يَصْرُخُ صَرَخًا هَائِلًا وَكَادَ يُغَشَى عَلَيْهِ مِنْ شِدَّةِ الْأَلَمِ. وَفِي ذَلِكَ الْوَقْتِ جَاءَ النَّجَّارُ إِلَى الْخَشْبَةِ فَرَأَهُ عَلَى تِلْكَ الْحَالِ. فَأَخَذَ عَصَاً وَأَخَذَ يَضْرِبُهُ ضَرْبًا شَدِيدًا.

**58-маишқ. Қўйидаги жумлалардаги мафъулум мутлақларни кўрсатинг. Ҳамда масдарми ёки бошқами уни ҳам айтиб беринг.**

أَتَوَاتِيَا وَقَدْ جُدُّ قُرْنَاؤُكَ. فَهَمْتُ الْمَسْئَلَةَ كُلَّ الْفَهْمِ. حَفِظْتَ الدَّرْسَ بَعْضَ الْحَفِظِ. شَرِبْتُ كَثِيرًا. نِمْتُ طَوِيلًا. جَنْتُ الْيَوْمَ إِلَى الْكُتَابِ مَرَّتَيْنِ. سَمِعًا وَطَاعَةً. أَجَزَعًا وَأَنْتَ شَابٌّ قَوِيٌّ. أُرْشِدُ الْأَنْبِيَاءَ النَّاسَ إِرْشَادًا. أَنْظَرْتُ ذَلِكَ الظَّنَّ. أَنْتَقُولِينَ ذَلِكَ الْقَوْلَ. ضَرَبْتُ اللَّصَّ شَدِيدًا. يَمْشِي مَشْيَةَ الْأَمْرَاءِ. نَحَلَ الْوَلَدُ بَعْدَ أَنْ أَصَابَتْهُ الْحُمَى نُحُولًا عَظِيمًا لَكِنَّهُ شَفِيًّا بِمُعَالَجَةِ أَحَدِ الْأَطِبَّاءِ الْمَاهِرِينَ فَأَحْبَبَهُ حَبًّا كَثِيرًا وَحَفِظَ لَهُ جَمِيلًا.

### معاني الكلمات: Сўзларнинг маънолари

хисоб-китоб килинади	يُحَاسِبُ	Яшайди	يَعِيشُ
кўрсатдим	أَبصرتُ	Айланади	تَدور
оила	أُسْرَتِهِ	янги чиққан ой	الهِلال
тавба қилгунича	حَتَّى يَتُوبَ	гуноҳ қилса	أَذْنَبَ
қайтмаслик	بِعَدَمِ الرُّجُوعِ	ваъда қилади	يَعِدُ
ечдим	حَلَلْتُ	аввалги ҳолига	إِلَى سَابِقِ حَالِهِ

кақшатгич	مُوجِعًا	волий, ҳоким бўлди	وَلِيَ
бостириб келди	زَحَفَ	шафқат қараш	نَظَرَ الشَّفِيقِ
қизиқсангизлар	رَغِبْتُمْ	қўшин, аскар	الْجُنْدُ
сени табрикладим	هَتَأْتِكَ	ўқиб, мутолаа қилиш	المُطَالَعَةَ
севикли	مُحِبُّونًا	қачон хоҳласанг	إِذَا شِئْتَ
аққлли фаоллар	المُجْتَهِدِينَ الْعُقَلَاءَ	Йўлидан бор	سَلِّكَ، يَسَلُّكَ، أَسَلُّكَ
рост, тўғри	قَوْلًا سَدِيدًا	аҳмоқ дангасалар	الْكُسَالَى الْمُحْمَقَى
кашф қилинглр	اِكْتَشَفُوا	ақли паст, аҳмоқ	سَفِيهَةٌ، (سُفَهَاءٌ)
табассум қилди	اِبْتَسَمَ، يَبْتَسِمُ، اِبْتَسَمَ	паст санама	لَا تَحْتَقِرْ
юрдим	سِرْتُ	енгил табассум билан	اِبْتِسَامًا خَفِيًّا
сенга бердим	أَعْطَيْتُكَ	шошилган ҳолда	حَثِيئًا
ҳазина	كَنْزٌ، (كُنُوزٌ)	кетаётгандилар	سَائِرُونَ
борсин	فَأَيْمُضِ	жуда қаттиқ ушлашда	مَأْخَذٌ عَظِيمٌ
захар	سَمٌّ، (سُمُومٌ)	қўймоқ, ташламоқ	أَنْ أَضَعَ
мукаммал танҳоликда	انْفِرَادًا تَامًّا	танҳо бўламан	أَنْفِرِدُ
ташриф буюрдилар	تَقَدَّمُوا	келишди, иттифок қилди	اتَّقَى، يَتَّقَى، اتَّقَى
эгасиз	بِدُونِ صَاحِبٍ	ўша заҳоти	حَالًا
маймун	قَرْدٌ، (فُرُودٌ)	ҳикоя қилинишича	يُحْكِي
ёрди	شَقٌّ، يَشُقُّ، شُقٌّ	Дурадгор	بَحَّارٌ
қозик, пона	وَتِدٌ، (أَوْتَادٌ)	Ўтин	حَشَبَةٌ
томон	قَبَلٌ	уни лол қолдирди	أَعْجَبَهُ
осилтирди	تَدَلَّى، يَتَدَلَّى، تَدَلَّى	орқа томонини	ظَهَرَهُ
тортди	نَزَعَ، يَنْزِعُ، انْزَعُ	Ёриқ	الشَّقِيقِ
дум	ذَنْبٌ، (أَذْنَابٌ)	Қисди	عَصَرَ، يَعْصِرُ، إِعْصِرُ
қўрқинчли	هَائِلٌ	Қичкира бошлади	فَأَخَذَ يَصْرُحُ
оғриқ қаттиқлигидан	مِنْ شِدَّةِ الْأَلَمِ	хушидан кетишига оз қолди	كَأَدَّ يُعْشَى عَلَيْهِ
ура бошлади	أَخَذَ يَضْرِبُهُ	асо, ҳасса	عَصَاً، (عَصِيٍّ)
тенгдошларинг ҳаракат қилганида	جِدُّ قُرْنَاؤِكَ	аста-секин ҳаракатланияпсанми?	أَتَوَانِيًا
бошланғич мактаб	كُتَّابٌ، (كُتَاتِيْبٌ)	тўла англашда	كُلِّ الْقَهْمِ
тўғри йўлга бошлади	أَرْشَدٌ، يُرْشِدُ، أَرْشَادٌ	Бесабрлик	أَجْرَعًا

		қияпсанми?	
амирлар юришидек	مَشِيَّةَ الْأَمْرَاءِ	Ўғри	إِصٌّ، (أَصُوصٌ)
иситма	الْحَمَى	озиб кетди	نَحَلٌ، يَنْحَلُ، إِخْلٌ، نُحُولٌ
уни чиройли ҳолда эслади	حَفِظَ لَهُ جَمِيلاً	шифо топди	شَفِيحِي

## 20-§

مفعول لأجله

## МАФЪУЛУЛ ЛИАЖЛИҲИ

Қандай бир иш бажармайлик, албатта унда бир мақсад кузатилади ва унинг бир сабаби бўлади. Масалан, кулсак, унинг бир сабаби бор. Йиғласак, унинг ҳам бир сабаби бўлади. Бошқа ишлар ҳам сабабсиз қилинмайди. Ишланган ва бажарилган ишингни бирор кишига сўзлаганингда албатта, унинг сабабини айтасан.

Масалан *وَقَفَ الطُّلَّابُ* десак, бунда талабаларнинг оёқлари билан тик турганларини ифодалаймиз. Энди бунга, *إِجْلَالًا لِلْمُعَلِّمِ*ни қўшсак, талабаларнинг оёқлари билан тик турганларининг сабабини ва уларнинг нима учун бундай турганларини билдирган бўламиз.

**Маъноси:** Талабалар ўқитувчини ҳурматлаш учун ўринларидан турдилар.

58. Шу тариқа феълнинг сабабини ва нима учун ишланганини билдириш учун феъл сўнгидан келган исмга «мафъулүл лиажлиҳи», деб аталади. Юқоридаги мисолдаги *إِجْلَالًا* исми *وَقُوفٌ* феълининг сабабини кўрсатганидан «мафъулүл лиажлиҳи» бўлади.

**Танбех:** «Мафъулүл лиажлиҳи»ни билиш учун феълнинг олдига “*لَمْ*” (нима учун?) саволини қўйиш керак. Агар шунга жавоб бўлишга яраса, ўша исм «мафъулүл лиажлиҳи» бўлади. Масалан, юқоридаги мисолдаги феълнинг олдига *لَمْ* қўшиб *لَمْ وَقَفَ الطُّلَّابُ؟* деб савол берсак, *إِجْلَالًا لِلْمُعَلِّمِ* шунга жавоб бўлишга ярайди.

**59-машқ.** Қуйидаги жумлалардаги феълнинг остига бир чизиқ, мафъулүл лиажлиҳининг остига икки чизиқ чизинг.

زُيِّنَ الْبَيْتَ إِكْرَامًا لِلضُّيُوفِ. وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ. أَعْطَى الْمُجْتَهِدَ جَائِزَةً مَّكَافَأَةً لَهُ. فَمِنَا إِكْرَامًا لِّلْقَادِمِينَ. يَخْجُجُ النَّاسُ طَلَبًا لِمَرْضَاتِ اللَّهِ. يُكْرِمُ الْعَاقِلُ اعْتِبَارًا لِعَقْلِهِ لَا حَذَرًا مِّنْ سَخَطِهِ. النَّاسُ يَخَافُونَ الظَّالِمِينَ لَا اسْتِحْلَابًا لِمَصَادِقَتِهِمْ بَلْ خَوْفًا مِّنْ أَدَاهُمْ. اخْتَرْتُ إِبْرَاهِيمَ وَكَيْلَانَ، ثِقَةً بِأَمَانَتِهِ وَعَتَمَادًا عَلَى عَقْمَتِهِ وَاحْتِرْمَتِهِ مِرَاعَةً لِفَضْلِهِ وَأَكْرَمْتُهُ سَعْيًا فِي مَرْضَاتِهِ. شَتَّانَ بَيْنَ مَنْ يُصَافِيكَ اضْطِرَارًا إِلَيْكَ وَمَنْ يُصَادِقُكَ حُبًّا لِمَرَائِيكَ. ذَابَ قَلْبِي شَفَقَةً عَلَى هَذَا الْفَقِيرِ. لَا تَفْعَلُوا الْخَيْرَ رِيَاءً. يُكَافَأُ الْمُجْتَهِدُ تَنْشِيطًا لَهُ.

**60-машқ.** Қуйидаги жумлалардаги мафъулүм бихга 1 рақам, мафъулүм мутлақга 2 рақам, мафъулүл лиажлиҳга 3 рақам қўйиб ажратинг.



احفظ وطنك حفظاً، وصنّه صنوّاً قيّاماً بواجبه ورعاية لحقه. يجوب الناس البلاد طلباً للمكاسب. توضع التمارين في كتب القواعد اختصاراً لفطنة التلميذ. إذا وليت خدمة، وجب أن تعرف أمورها معرفة جيدة، وتنفذ لِرؤسائك انقياداً عظيماً في كل ما يأمرونك به. عجباً لأناس، يُنكرون الحق. عرفت المسائل النحوية كل المعرفة. وقف وقوف الأمير. التجار يجولون في البلدان المختلفة رغبة في ترويح بضائعهم ومصنوعات بلادهم، فتراهم ينتقلون من محل إلى آخر، أملاً بالربح. قاتل هواك إذا دعاك لفتنه. قاتل هواك هناك كل قتال.

### معاني الكلمات: Сўзларнинг маънолари

ҳурматланган ҳолда	إكراماً	зийнатланди	زُيِّنَ
унга мукофот бўлган ҳолда	مُكَافَأَهُ لَهُ	сизни юбормадик	مَا أَرْسَلْنَاكَ
ҳаж қилди	حَجَّ، يَحُجُّ، حَجَّ	келувчилар учун	لِلْقَادِمِينَ
эҳтиёт бўлингани учун эмас	لَا حَذَرًا	эйтиборга олган	اعْتِبَارًا
жалб қилиш учун эмас	لَا اسْتِجْلَابًا	Ғазаб	سُخْطًا
ишонган ҳолда	ثِقَةً	Уларнинг озорлари	أَذَاهُمْ
унинг иффатига	عَلَى عِفْتِهِ	суянган ҳолда	إِعْتِمَادًا
саъй ҳаракат қилмоқ	سَعَى	риоя қилган ҳолда	مُرَاعَاةً
сени софловчи	بُصَافِيكَ	қандай фарқ бор-а?	شَتَانًا
сени тасдиқлайдиган	بُصَادِقُكَ	мажбур бўлган ҳолда	اضْطِرَارًا
эриди	ذَابَ، يَذُوبُ، ذُبَ	хусусиятларинг	لِمَرَائِكَ
мукофотланади	يُكَافَأُ	шафқат қилган ҳолда	شَفَقَةً
уни ҳимоя қил	صُنَّهُ	фаоллаштириш учун	تَنْشِيطًا
саёҳат қилади	يَجُوبُ	мажбуриятларини адо қилган ҳолда	قِيَامًا بِوَجْهِهِ
имтиҳон қилган ҳолда	اِخْتِبَارًا	Машқ	تَمْرِينًا، (تَمَارِينًا)
бошлиқ бўлсанг	وَلِيَّتَ	Фатонати, ақли	لِفِطْنَةٍ
наҳв масалалари	الْمَسَائِلَ النَّحْوِيَّةَ	бўйин эгасан	تَنْقَادًا
айланиб юрадилар	يَجُولُونَ	амир тўхтаганидек	وَقُوفَ الْأَمِيرِ
ривожлантириш	تَرْوِيجَ	рағбат қилган ҳолда	رَغْبَةً
ишлаб чиқарилган	مَصْنُوعَاتَ	мато, буюм, юк	بِضَاعَةٍ، (بِضَائِعَ)
кўчиб юрадилар	يَنْتَقِلُونَ	уларни кўрасан	فَتَرَاهُمْ
орзу қилган ҳолда	أَمَلًا	жой, ўрин	مَحَلًّا

курашди	فَاتِلٌ، يُفَاتِلُ، قَاتِلٌ	Фойдани	بِالرَّيْحِ
ҳавои нафсинг	هُوَآكٌ	фитна учун	لِفِتْنَةٍ

## 21-§

مفعول فيه

## МАФЪУЛУН ФИЙХ

59. «Мафъулун фийх» – феълнинг қай вақтда ёки қайси ўринда воқеъ бўлганини кўрсатган исмдир.

دهگانداغي каби. خَفِظَ مُحَمَّدٌ الدَّرْسَ صَبَاحًا أَمَامَ الْمُعَلِّمِ

**Маъноси:** Муҳаммад дарсни, эрталаб, ўқитувчининг олдида ёдлади.

Бу мисолда *صَبَاحًا* исми дарсни қай вақтда ёдланганини билдирган. *أَمَامَ* эса дарс ёдлаш қайси ўринда бўлганини билдирган. Шунинг учун бу икки исм «мафъулун фийх» бўлади.

60. Юқоридаги таърифдан англанадики, мафъулун фийх ё замонни ё маконни англатадиган исмдир.

Замонни англатадиган исмга «**зарфи замон**», маконни англатадиган исмга эса «**зарфи макон**», дейилади. Шунинг учун мафъулун фийхни «**зарф**», деб юритилур.

**61-машқ. Қуйидаги исмлардан зарфи замоннинг остига бир чизиқ, зарфи маконнинг остига икки чизиқ чизиб, ажратинг.**

صباح. يوم. ليلة. يريد. يمين. تحت. غدا. سحر. ميل. عند. وراء. شهر. سنة. مع. خلف. فوق. شمال. إزاء. لحظة. ساعة. مدة. وقت. أمام. حين. قدام. لقاء. عام. فجر. قرن.

**62-машқ. Қуйидаги жумлалардаги мафъулун фийхлар кўрсатинг.**

تركتُ الكتابَ فوقَ الكرسيِّ. تَشْتَدُّ الحَرَارَةُ أَوَّانَ الصَّيْفِ. أَذْهَبُ إِلَيْكَ لَيْلَةَ الجُمُعَةِ. خُذِ الرِّفِيقَ قَبْلَ الطَّرِيقِ واطلبِ الجَارَ قَبْلَ الدَّارِ. عِنْدَ الإِمْتِحَانِ يَكْرُمُ المَرْءُ أَوْ يُهَانُ. لَا تَمَسُّ أَمَامَ مَنْ هُوَ أَكْبَرُ مِنْكَ وَلَا تَقْعُدْ يَمِينَهُ. قُلْتُ لَهُ: كَمْ لَبِثْتُ فِي سَمَرْقَنْدٍ؟ قَالَ لَبِثْتُ أَسْبوعًا كَامِلًا. لَقِيْتُهُ اليَوْمَ صَبَاحًا. صُمْتُ رَمَضَانَ كُلَّهُ. لَا أَفْعَلُهُ أَبَدًا. رَأَيْتُ طَائِرًا فَوْقَ الغَصَنِ. رَأَيْتُ الهَلَالَ بَيْنَ السَّحَابِ. جَلَسَ مُحَمَّدٌ عِنْدَ خَالَتِهِ. رَأَيْتُ أَمَامَ الدَّارِ مُشْعَوِدًا. لَا تَلْتَفِتْ وَقْتَ الدَّرْسِ يَمِينًا وَشِمَالًا وَلَا تَضْحَكْ أَمَامَ مَعْلَمِكَ أَبَدًا. قَدِمَ عَمْرُ بْنُ الخَطَّابِ الشَّامَ عَامَ المَجَاعَةِ مَرَّتَيْنِ. لَا تُزِرِ النَّاسَ بَاكِرًا وَلَا وَقْتَ قَبُولَتِهِمْ أَوْ أَكْلِهِمْ. تَعَلَّمْتُ زَمَانَ خَدَاتِكَ. نَذَهَبُ غَدًا بَعْدَ الطَّهْرِ إِلَى الغَابَةِ.

**63-машқ. Ўн жумла тузинг, буларнинг бештаси зарфи замон, бештаси зарфи макон бўлсин.**

**64-машқ. Қуйидаги зарфларнинг олдида муносиб феъллар келтириб, қисқа жумла тузиб чиқинг.**

وقت الدرس. فوق مكتب المعلم. يومًا كاملاً. زمن الربيع. مدة المرض. أبداً. سنة. غداً.

### 65-машқ. Қуйидаги жумлаларни эъробланг.

(Ушбу тариха: سر феъли мозий сукунга биноан мабний т замир, даммага биноан мабний, даммаси зоҳирий, маҳаллан раъфда бўлиб, фоъил, ليلاً зарфи замон, лафзан мансуб бўлиб, мафъулун фийҳдир...).

سرتُ ليلاً، منثيت ميلاً. عشت دهرًا. لا أكذب أبداً. قرأت الدرس ساعة. نام محمد نهارًا. أوزرك صباحًا.

### معاني الكلمات: Сўзларнинг маънолари

1848 метр	مِيلٌ	22, 176 км	بَرِيدٌ
олди томонда	قُدَامٌ	томонга	إِزَاءَ
йил	عَامٌ	унинг қаршисида	تَلْقَاءَ
тарк қилдим	تَرَكْتُ	аср	قَرْنٌ
вақт, мавсум	أَوَانٌ	қаттиқлашади	تَشْتَدُّ
